

*Какимбек Салиқов*

# **Жезкийик**

*Шеърлар, дostonлар*

---



**ТОШКЕНТ**

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1984

С (Каз)  
С 26

Р е д к о л л е г и я

Сарвар Азимов (редколлегия раҳбари), Ҳафиз Абдусаматов, Жуманиёз Жабборов, Зулфия, Саъдулла Кароматов, Мирмуҳсин, Муҳаммад Али, Назир Сафаров, Туроб Тўла, Александр Удалов, Раҳмат Файзий, Пирмат Шермуҳамедов, Комил Яшин, Матёқуб Қўшжонов.

Сўзбоши муаллифи —  
П. Шермуҳамедов

С  $\frac{4702230200-83}{M 352(04)-84}$  104-84

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й. (тарж.)

## ДАЛА УЗРА ТАРАЛАДИ КУЙ...

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига ҳам мана уч йил бўлиб қолибди. Октябрь ойининг сўнгги кунлари эди. Орол билан тутшиб кетган яйдоқ далаларда мезонлар энгил рақс қилар, кузнинг фараҳбахш нафаси ором берарди. Ҳаммаёқда — денгиз устида, далаларда, чўпон даврасида кузнинг нафаси яққол сезиларди.

Биз Орол денгизи бўйида истиқомат қилувчи қозоқ дўстларимизнинг уйига меҳмон бўлиб бордик. Бизлар келиб тушган ўтов меҳмонлар ва мезбонлар билан лиқ тўлди. Хонадон соҳиби, қорамағиз юзли, миқтидан келган Марқабой ўтовга оппоқ соқолли, қалпоқ кийган кекса бир кишини бошлаб кирди. Таништирди. Маълум бўлишича, бу киши бахши экан. Бахши меҳмонлар билан салом-алик қилгач,

дўмбирасини олди-да, кўзини юмиб, куйлай бошлади.

Мис қанот,  
Кумуш бовур кийик  
                    кўрдим,  
Қийикнинг бағри-дилни куюк кўрдим.  
Бетпақдала даштида  
Жез маролни  
Кийиклар орасинда суюк кўрдим.  
**Жезкийик,**  
Биз ёқларга қалай келдинг?  
Йўлимни тикка кесиб кела бердинг!  
Санамнинг кўзларидай  
                    шаҳло кўзинг  
Боққанда  
Кўнгли ўйнар ҳар бир эрнинг.

Бахши тинимсиз, илҳом билан жўшқин куйлайди. Тингловчилар кўз ўнгида уфқларга қадар ястаниб ётган бепоён далалар, она юрт гўзаллиги, сеvimли маҳбуба образи намoён бўлади.

Мана куй ҳам, ашула ҳам тугади. Бахши жим, меҳмонлар жим, мезбонлар жим. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Барча ашуланинг сеҳрли оғушига кўмилган.

Бу қадар сеҳрли, бу қадар дилрабо ашуланинг муаллифи ким? Мезбонлар бир оғиздан «Жезкийик» ашуласининг муаллифи Какимбек Салиқов деб айтишди.

Биз бир ҳафта Орол бўйи овулларида меҳмон бўлдик. Барча давраларда, чўпон-чўлиқлар, балиқчилар даврасида ҳам «Жезкийик» ашуласини эшитдик.

Кейинчалик маълум бўлдики, қozoқ шоири Какимбек Салиқовнинг «Жезкийик» ашуласи Қозогистонда жуда машҳур экан.

Шу ҳодиса сабаб бўлиб, мен Какимбек Салиқовнинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқа бошладим. Ва билдимки, шоир ўрта мактабни тугатгач, Москвадаги рангли металллар институтининг тоғ факультетига ўқишга кирган. Сўнгра, Жезқазғанда тоғ мастери, участка ва шахта бошлиғи бўлиб ишлаган.

Какимбек Салиқов 1980 йили «Болалар уйидан Дзотгача» деб номланган поэмаси учун Николай Островский номли мукофотнинг лауреати бўлди.

Шоирнинг шеърлари ва поэмалари рус ва кўпгина қардош халқлар тилларига ўтирилган. Мен унинг лирик шеърларини, «Дала», «Замондош ўйлари», «Чегевара», «Эдельвейс», «Юксак чўққи», «Аёл ва Ғоз», «Хонатлас» поэмаларини ўқиб чиқдим. Ва шу фикрга ишонч ҳосил қилдимки, шоирнинг қувваи ҳофизаси кенг. Ижодининг қон томири — бепоён қozoқ далалари, шахтёрлар, ишчилар ҳаёти, халқлар дўстлиги, атом урушига қарши кураш масалалари экан.

Какимбек Салиқовнинг ижодида дўстлик мавзуи алоҳида ўринни эгаллайди. Шу маънода унинг «Хонатлас» достони муҳим аҳамиятга эгадир.

Шоир ўзбек ва қozoқ халқларининг дўстлигини улуғловчи «Хонатлас» достонини қуйидаги сатрлар билан тугаллайди.

Таъзимим қабул этгил, ўзбек оға,  
Бу дostonим бўлсин сенга садоға.  
Хонатлас — мато эмас, бир қўшиқдир,  
Куйладим мен қozoқча шўх навода!

Сўзни яқунлар эканман, шоирга ушбу сўзлар билан мурожаат қилгим келади:

Какимбек оға! Халқлар дўстлигини куйловчи шеърларингиз ва дostonларингиз парвози яна ҳам баланд ва яна ҳам юксакроқ бўлаверсин!

ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ,  
филология фанлари доктори,  
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

## ТОШКЕНТ ҲАЯЖОНЛАРИ

Сени кўриб тоғдай ўсар ғурурим,  
Дилда қўшиқ  
Дарё каби тинмайди.  
Овулим суйган «Жезкийик»нинг<sup>1</sup> дупурин  
Ўзбекистон биринчи бор тинглайди.

Нурга тўла шеъриятнинг осмони,  
Порлаб турар унда ёрқин юлдузлар.  
Юрагимда Бобур, Навоий номи,  
Бу элда қўшиқдай жарангли сўзлар.

Ғафур Фулом номи бахш этар сурур,  
Зулфия номидир ғазал чироғи,  
Самарқанд, Бухоро ҳайратга солур,  
Мафтун қилур Тошкент — илҳом булоғи.

Ўзбекистон номи оламга дoston,  
Улуғбеклар билан машҳури жаҳон.  
Пахтаси айтади бор гапни сўзсиз,  
Қозоқ билан қадим дўстлиги аён.

Азал-азал улар қуда-қудагай,  
Азал тақдири бир, қондош-қариндош.

---

<sup>1</sup> «Жезкийик» — шоирнинг қозоқ халқи орасида қўшиқ бўлиб кетган шеъри.

Чингизхон сўйилин еганлар талай,  
Жабру зулмларга берганлар бардош.

Ёлгон гапни шеърга солмоқ нораво,  
Ҳақ гапга тўйдирдим мисраларимни.  
Огир кунда ўзбек жон этиб фидо,  
Берган майиз, ўрик, меваларини.

Тарих кавламоқнинг зарурати йўқ,  
Бир майизни бўлиб еган эллармиз.  
Бобом ҳар кун ўзбек дўстига муштоқ —  
Илиниб асраган энг ўткир қимиз.

Энди биз яқинмиз аввалгидан ҳам,  
Эгизак сингари аҳил ва иноқ.  
Биз совет халқлари оиласида  
Бир Ватан яратдик абадий порлоқ.

Дўстлик ўзанлари бирлашди мангу,  
Боболар орзуси ушалди бизда.  
Ўзоқ ва ўзбеклар миннатдорлиги  
Улуг Ленин билан партиямизга.

Мен буларнинг барин унўтай нечун,  
Қуруқ сўз тошқини кимга ҳам керак.  
Жангда ҳалок бўлган оталар номин  
Эслашиб, икки бор жўш урар юрак.

Тошкент ном чиқазган тинч замонда ҳам  
Зилзила қудратин чўктирганда тиз,  
Олмаотага сел босиб келган дам,  
Тошкент жасоратин эсга олдик биз.

Бекорга ёзмасдим буларнинг барин,  
Иноқлик эртага ишонч-ку, ахир.  
Салом-ла топширгум қалбим гавҳарин,  
Бу туйғу Тошкентга ҳурматимдандир.



## БУЮК КАРВОННИНГ БИР ҚИСМИ

Бир кўриб кетмоққа келгандим, сени,  
Ҳайрон бўлмасликка қолмади имкон.  
Бахтиёр ҳаётнинг карвони каби  
Тошкент кўз олдимда бўлди намоён.

Уйлар, маҳаллалар келар басма-бас,  
Келажакка монанд келбати — жисми.  
Биламан: бу — чўлда ёлғиз карвон-мас,  
Мамлакат карвонин серқуёш қисми.

Меъморлик тоғи гар Москва бўлса,  
Шарқдаги давоми Тошкентдир унинг.  
Ҳар бино, кўчада ташланар кўзга  
Меҳрибон қўллари қардош элларнинг.

Олис-яқинларга бўлиб маҳлиё,  
Осиё бўйлаб унга ташласам назар,  
Олатовдан Фрунзе, Олма-Ота-ю,  
Душанбе, Ашхобод кўзга ташланар.

Ўғозга интилган ҳар бир мисрада  
Эслатиб турурман шу карвон бошин.  
Келажак карвони бахтли шаҳарга —  
Тошкентга нур сочар Дўстлик қуёши.

## ТОШКЕНТ

Тошкент савлат тўкиб турар қаршимда,  
Турар ерга тушган юлдуздай порлаб.  
Дўстлар бағридаман, гуллар базмида,  
Кумуш фавворалар шовуллар чорлаб.

Азалий дўстларнинг севган бош шаҳри,  
Тарихда номи бор қадим Тош шаҳри,

Сўнг қайта туғилган мангу ёш шаҳри,  
Пахта,  
Хонатласнинг мулки, пойтахти  
Бутун Осиёнинг севгиси, фахри.

Алл қомат бинолар кўкка бўй чўзиб,  
Тоғдай кўринади менга гоҳида.  
Ғарқ пишган гилоснинг қоп-қора кўзи  
Шивирлаб чорлайди бола чоғимга.

Ўзбекча ўймакор безакларида  
Сўз бўлиб янграйди мусиқа рақси.  
Тонг нури лутфи бор бўёқларида,  
Ақлни шоширар бинолар нақши.

Тарих сўзлаб турар ёдгорликларда,  
Афсонага буркаб Тошкент отини.  
Тасаввур қиламан кўчалар кезиб,  
Бунда яшаётган эл ҳаётини.

## ЖЕЗКИЙИК

Мис қанот,  
Кумуш бовур кийик кўрдим,  
Кийикнинг бағри дилин куюк кўрдим.  
Бетпақдала даштида  
Жез маролни  
Кийиклар орасинда суюк кўрдим.

Жезкийик,  
Биз ёқларга қалай келдинг?  
Иўлимни тикка кесиб кела бердинг.  
Санамнинг кўзларидай шахло кўзинг.  
Боққанда  
Кўнгли ўйнар ҳар бир эрнинг.

Иўлингга тўр қўйган йўқ  
Ҳали биров,  
Пайдо бўлдинг ғойибдан  
Ҳуркак, асов.  
Мен — йигитман, ўсган эркин далада,  
Сен ҳам йўл тўсиб чиқдинг, экансан дов!

Шошмай тур,  
Дардинг билай, ҳолинг билай,  
Яралади сени қай малъун, билай.  
Дардингга дармон бўлсам басдир менга,  
Жонингга, майли, жоним нисор қилай!—

Дедиму  
Тўхтатмоқни истамадим,  
Қошимда қол демадим,  
Қистамадим.  
Совуқ юртлар тарафдан иссиқ қумли  
Маконингга омон қайт — шул мақсадим.

Туш кўриб  
Ёз фасли дил хушлатаман.  
Тузоқлаб жезкийикни ушлатаман.  
Бояги гулгун қабо кийган қизни  
Мис камзулли кийикка ўхшатаман.

Қайта кўрсам хуморим қонармикан,  
Ҳориб-толган дилим боз ёнармикан?  
Ё панада  
Пайт пойлаб  
Бир сур мерган  
Кўзлаганча  
«Пақ» отиб олармикан?

Гўзалликни  
Қиймайди одам кўзи,

Эсга тушса,  
Нақ ёниб чиқар сўзи.  
Жезкийик,  
Сени эслаб қолсам, эвоҳ,  
Кенг далага  
Сигмай кетаман ўзим...

## АЙНАЛАЙИН

Гуржи дўстим бир қозоқча сўз сўрар:  
«Сўзлар ичра аъло бўлсин,— деб қўяр.—  
Сўзлаганда қувнаб дил, яшнасин тил,  
Жавлон урсин юракдаги туйғулар!»  
Мен дедим: Бор «айналайин» деган сўз,  
Бу — тегрангда айналайин деган сўз.  
Бахтдан, дўстлик, садоқатдан шод-хуррам  
Мангу сенга бойланайин, деган сўз.  
Сенга шундай бир ажойиб сўз айтай:  
Айналайин, айналайин, айналай!

Замин узра айланмоқ сирин билсам,  
Ушбу сўздан ҳаяжондадир ой ҳам.  
Қора кўз ҳам қарай қолар жовдираб,  
Кўз ўнгингда балқиб ойдек чинакам.  
Айналайин, дейди қозоқ бовурин,  
Базўр босиб юракдаги ҳовурин.  
Олислардан айланишиб қайтганда  
Айналайин, дейди кўриб овулин.  
Сенга шундай бир ажойиб сўз айтай:  
Айналайин, айналайин, айналай!

Фарзандини шундай эркалар она,  
Худди шундай ота бўлар парвона.  
Қулоч отган, кўпик сочган тўлқинлар  
Соҳилларни севади ошиқона.  
Қушлар ҳатто кезар экан жаҳонни,

Кўмсаб қайтар тагин она маконни.  
Даврада ҳам йигит елиб, айланиб  
Тошиб олар сўз дегулик жононни:  
«Сенга шундай бир ажойиб сўз айтай:  
Айналайин, айналайин, айналай!»

«Айтган сўзинг — деди дўстим,— жуда зўр!  
Бизда ҳам бор — «Генацвали» — кўп машҳур.  
Бутун олам сўйлар бўлса бир сўзни,  
«Айланаин» сўзни дилга жо қилур!  
Айланишар севишганлар бўстонда,  
Айланишар ой-юлдузлар осмонда.  
Дўст дўстининг атрофида айланар,  
Айланади сирли ҳаёт жаҳонда...  
Сенга шундай бир ажойиб сўз айтай:  
Айналайин, айналайин, айналай!»

### СИНГЛИМ НОЗИФАГА

Бугун шодман,  
Кўнглим ҳам обод,  
Тўлқинланар тоғдай бу кўкрак.  
Даладай кенг бағримга, ҳайҳот,  
Сигмай борар муштдаин юрак!

Бирдан толе боқди жилмайиб,  
Тоғ селидай келди-ку фараҳ!  
Бола чоғи бўлган ул ғойиб  
Сингилжоним топилди, ваҳ-ваҳ!

Суюнчини олинг, бас, ёнди  
Машъум уруш сўндирган шамим!  
Эй, оқинлар, жирлангиз энди,  
Ош тортайин, тузайин базм!

Тақдирга ҳам тақдир берди тан,  
Топилди-ку, оғамнинг қизи,  
Уруш ёқда жувонмарг бўлган  
Қондошимнинг якка-ёлғизи!

Туманлар ҳам тарқалди буткул,  
Офтоб чиқди, ёгилди фараҳ!  
Туғилгану изсиз кетган ул —  
Сингилжоним топилди, ваҳ-ваҳ!

Шоир қалбин аллалар илҳом,  
Тийиқсиз тил мойил ўланга!  
Жой йўқ ўзни қўймоққа тамом,  
Қувончларим сизмас оламга!

## ШАХТАГА ҚАСИДА

Ботирларми экан  
Бел тутишиб, толмаган?  
Оқинларми экан  
Сулувдан кўз олмаган?  
Кемаларми денгизда,  
Тўлқинларда бўзлаган?  
Умри мангу сузишда,  
Олисларни кўзлаган?  
У не ўзи, виқорда,  
Тинмас иссиқ, совуқда?  
Кўринади наҳорда  
Қанот боғлаб уфқда?  
Нима экан, айтинг у  
Мижжа қоқмас туну — кун?  
Ер остини рўбарў  
Айлар заминга бутун?  
У бугун ҳам, эрта ҳам

Меҳнат қилар, уяр кон,  
Шумғир тубга, олмай дам,  
Кўтаради армуғон.  
Шахта тутар бойлигин,  
Олтин, кумуш ва темир,  
Нурга буркаб бағридан  
Тортиқ тутар она-Ер.  
Кон жойида кўринар  
Вагонлар қатор-қатор,  
Йўлга чиқади улар,  
Ортилган чўнг юки бор.  
У забаржад, ноёб кон,  
Она заминдан тортиқ,  
Эл қудрати, жонажон,  
Ҳамма нарсадан ортиқ.  
Кутар конда сўқмоқлар  
Мардларидан жасорат,  
Чидаш бермас қўрқоқлар,  
Қучолмайди шон-шуҳрат,  
Шунинг учун кўрсатар  
Мард кончига чўнг ҳурмат.  
Айқаш-уйқаш йўл эрур,  
Ернинг ости, сирли жой,  
Калити қалб, қўл эрур,  
Очар мардларга чирой.  
Бунда харсанг қалашиб,  
Дейди кўрсат кучинг, ҳой!  
Тоғ мардларнинг макони,  
Чўчиганни ёқтирмас,  
Дўсти мардлар, полвонлар,  
Усиз зафар қучилмас,  
Дўстлик, тотувлик бунда,  
Шон-шуҳратга ҳамнафас.

## ЖЕЗҚАЗҒАН

Қара, бир боқ,  
Бугунги Жезқазғонга,  
Гүзал ҳар ёқ,  
Яшнаб боқар жаҳонга.  
Кўктенбелсой  
Мавжли денгиздай жўшқин,  
Кенгир — дарё  
Шошар қир — даштга бугун.  
Дўстим, келгин  
Сайр этишга тонг чоғи,  
Кончи бўлгин,  
Бўл кончилар ўртоғи.  
Қарши олур  
Қирқ эл фарзанди шу он,  
Академик  
Қаниш ҳам айлар меҳмон.  
Баланд тоғдан  
Салом келтирар еллар,  
Бойқўнғирдан  
Ракета кўтарилар,  
Трубалардан,  
Булут ўрлар осмонға,  
Конверторлар  
Миси ўхшаб алвонга,  
Терриконлар  
Қанотли у, нилий ранг,  
Жўн тоғ эмас,  
Ишчи қўлдан олган ранг,  
Интилади,  
Бошлар кўкка, олға жанг.  
Шахталарнинг  
Чироқлари порлар, боқ!  
Живирлайди,  
Сонсиз юлдузларсимон,



Кўк юлдузи  
Пастлагандай ер томон,  
Ҳар иккиси  
Бирга порлар, чароғон,  
Бунда порлар  
Ҳар тош, ёниқ — нур тусда,  
Иртиш келур  
Бу ерларга олисдан.  
Унут бўлмас  
Боболарнинг армони,  
Конга кириб,  
Айлангин кенг бағрини,  
Обод туби,  
Ҳам ер усти, майдони,  
Улар барин  
Мардлар бунёд этдилар,  
Прометей —  
Жезқазғанлик йигитлар!

## ДУНЁНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ

Нигоҳи чўғ, қора олу мисоли,  
Эзгу дўстлик нақши эрур жамоли,  
Унинг билан суҳбат қуриш ниятим,  
Тортинаман, шунақанги одатим.

У — дилрабо, киприклари тебранар,  
Ҳимо билан кўтарилар юқори,  
Қомати хўб, кўркам қадди товланар,  
Афсонавий маликадай виқори,  
Ифбатлигин қиёси йўқ нақадар!

Кўриб уни сўзларимдан адашдим,  
Қизиқ ҳолат, бориб ёнида турдим.  
— Айтинг қанча мўъжиза бор дунёда?  
Бирдан унга шундай саволинг бердим.

— Еттита,— дер, тез қайтариб жавобин,  
— Йўқ, саккизта!— дея сўз қотдим унга.  
Соҳибжамол тилга олиб ҳаммасин,  
Сўнг бирма-бир номин айтди у менга.

Унинг дилбар гул чиройи нурланди,  
Нигоҳида порлар эди таманно,  
Мен — шоирга эътиқоди билинди,  
Мени мамнун этиш эди муддао.

Унга меҳрим тошиб сўзладим яна,  
— Сиз ҳақлисиз бу билдирган жавобда,  
Етти мўъжизани айтдингиз менга,  
Саккизинчисими, бу сиз — албатта.

Гул чеҳраси оловланди-ю, бирдан,  
Тортинчоқлик ҳолин тарк этди шу он:  
— Шундай бўлса... Сизнинг кўзингиз билан  
Бутун дунё қарар менга бир замон...

## ДУСТЛАРНИ УЙЛАЙМАН

Менинг бахту бойлигимдир — дўстларим,  
Ешлигимдан ҳамнафасман ва ҳамроҳ,  
Уларга завқ берар менинг ҳар сатрим,  
Кутар мендан дўстлар янги шеър ҳар чоғ.

Дўстлар ҳақ гап айтиб, айлар эътибор,  
Сўзларини тинглагайман доимо,  
Шошиламан улар томон миннатдор,  
Уларсиз бу шеър бўлмасди пайдо.

Конда бирга ишлаган бир дўстим бор,  
Ер тубида меҳнат қилган, қадрдон.

Дейман уни қариндошим, вафодор,  
Метал жилолари тақдирга нишон.

Сўнг бор яна қанча кичик дўстларим,  
Улар бирга, қадам ташлар изимдан,  
Мен уларни эшигимда кутарман,  
Таълим олур улар ишда ўзимдан.

Дил сўзимиз, ўйларимиз — эзгулик,  
Дўстлигимиз қудратли ва жонажон.  
Кон қазганим, шеър ёзганим ҳар қачон,  
Дўстларимга бўлсин дейман армуғон.

Устоз бўлган дўстларим бор, мўътабар,  
Тенглашишга интиламан доимо.  
Улар билан бирга қучарман зафар,  
Ҳар бирига дoston ёзиш муддао.

Улуғи ҳам, кичиги ҳам дўст, азиз,  
Иссиқ-совуқ кунда бирга, қадрдон.  
Бир оила фарзандимиз ҳаммамиз,  
Тарқалишдик, макон бўлди кенг жаҳон.

## УЛЬЯНОВСКДА

Эзгу ният билан бугун қошингда  
Хаёл оғушида турибман ёлғиз.  
Ульяновск, нелар кечди бошингдан,  
Сўзла, қолган ўтмишингдан қандай из?

Суҳбатингга муштоқ сенинг меҳмонинг,  
Волга бўйин чиройиданмас фақат.  
Доҳий Ленин ҳақида бу ўғлонинг,  
Элига шеър элтар — буюк муҳаббат.

Йўлим сенга тушганидан хурсандман;  
Бахтиёрман, шодлик тўлди дилимга.  
Доҳий ҳақида бир янгилик элтсам,  
Дейман қўшиғимда қозоқ элимга.

Очилганми дейман бунда кенг олам?  
Бундамасми Некрасовнинг нигоҳи.  
Бетховеннинг сози янграган бир дам,  
Эшитилган бурлакларнинг дард, оҳи?

Ильич севган баланд соҳил бўйларин,  
Ёшлик завқин тотган дарё, офтобдан,  
Бунда севган шахматнинг ўйинларин,  
Спартакни ўқиб билган китобдан.

Қачонлардир бунда Разин, шахт, дадил,  
Боярларга даҳшат солган, беомон,  
Балки Пушкин ул Пугачёв ҳақида  
Одамлардан сўраб юрган бир замон?

Керенский, Столипин гердайган,  
Бошқа нарса келур дилга дамба-дам.  
Бунда дашту қирлар доҳий ёдидан,  
Ёшлигидан сўзлар ҳикоя ҳардам.

Ульяновск, меҳмонингга дилкашсен,  
Сўзла барин, фойдаланай фурсатдан,  
Нелар элтди дилда бу ердан Ленин.  
Даҳолик бошланур чўнг муҳаббатдан.

## ВОЛГАДА ҚИШ

Волга бўйи баланд ва улкан,  
Афсонавий паҳлавондай у.  
Ярақларди қорларда ёғду,  
Ёслаб кетдим даштимни бирдан.

Яккаш юриб бунда тингладим,  
Владимир Ульянов сасин.  
Кўркам табиатдан англадим,  
Доҳий ёшлигининг нафасин.

Пода каби ўрмон қораяр,  
Қарсиллайди қорларда аёз.  
Суҳбатлашар қайин, қарағай,  
Рус ва қозоқ — икки дўстга хос.

Ярқирайди зангори осмон,  
Нигоҳим кенг дарёда, қорда,  
Юрагимда бир ажиб армон,  
Бўлсам дейман бунда баҳорда!

### БАЙРАМ ҚЎШИГИ

Бугун Ватанимда эрк тантанаси,  
Бу шодлик онларин дилдан куйлайман,  
Қанот берди менга илҳом париси,  
Парвоз айлаб қитъаларни бўйлайман.

Нева мавжли,  
Кенгликларга интилуру,  
«Аврора»нинг бонгин бизга келтируру,  
Олтмиш йиллик ғолиб, шонли ёшини,  
Эслаб бугун эллар шод байрам қилуру.

Шарқли қозоқ элин эзгу армони,  
Ушалди ул Октябрь зафаридан.  
Баҳор қучиб азиз, эл жонажони,  
Одимлари сўзлар шонли давридан.

Хаёлимда кезар элим ўтмиши,  
Ҳоким эди қабиҳ азоб, истибдод,

Ленинга эл айтди эрк олқишин,  
Октябрь келтирди янги, ҳур ҳаёт.

Бу шодлик ва таъзим ҳар ўланда бор,  
Уларсиз ўтмайди элда ҳар байрам.  
Утовлар биргина топмади виқор,  
Яшарди бутун эл — бизнинг кенг олам.

Кўтарилар ер тубидан маъданлар,  
Бойқўнғирни олға элтди бу замон.  
Қум чўлига келди дарё — чаманлар,  
Биз миллиард дондан кўтардик хирмон.

Ўланимни майли тингласин олам,  
Мен куйлайман мангу ҳаёт ёғдусин.  
Октябрдан эрка қўйдик шод қадам,  
Унда кўрар эллар эзгу орзусин.

## ЯНГИ ЙИЛ

Шонли ўтди юбилей йили,  
Тантанавор келди янги йил,  
Конституция — истиқбол йўли,  
Зафарларга бошлайди дадил.

Йил одими шонли, навқирон,  
Хаёлимга келар рақамлар,  
Коммунизм чўққиси томон,  
Она-Ватан шахдам қадамлар.

Измимда шўх, асов дарёлар,  
Тоғлар силжир агар буюрсам.  
Олис Амур Байкални чорлар,  
Дўстлик қўлин узатган бу дам.

Қозоқ урфин хислати аён,  
Ўлан айтмоқ одат янги йил.  
Шамлар ёнур тантанали он,  
Кўзларимиз учқуни деб бил.

Эй, янги йил, бирга иккимиз,  
Йўлимизда аҳдимиз ҳамдам,  
Она элга пайванд меҳримиз,  
Зафарларга ташлаймиз қадам.

\* \* \*

Қўй, янградма юртим куйларин,  
«Куйлама, эй соҳибжамол!..»  
Аён айлар, қўмсовда хаёл,  
Овулимнинг таниш уйларин.

Соғинаман фарзанд меҳри-ла,  
Оққувларнинг сайқал маконин,  
Кўл бўйида қатор ўтовлар,  
Гаштли, вазмиң куйи, достонин.

Соғинаман олис қирларни,  
Шувоқларнинг яшил мавжини.  
Соғинаман унда қушларнинг  
Қўшиқларин қувноқ авжини.

Тотсам дейман янги қимизнинг  
Тотли ҳидин яйраб дилимда.  
Эшитсайдим янгам кулгисин,  
Шўх кулгини она элимда.

Мен тонг чоғи, ёзги паллада,  
Қирларингда юра олмадим.  
Малларанг, тез буғуларингнинг  
Ўтишларин кўра олмадим.

Қолди фақат ёлғиз хотирот,  
Унут бўлмас инсонда хаёл.  
Едимдадир ўша оҳуни  
Кузатганим бир замон хушҳол.

Қўй, янгралма юртим куйларин,  
«Куйлама, эй соҳибжамол...»  
Аён айлар қўмсовда хаёл.  
Овулимнинг таниш уйларин.

Куйламагин, эй соҳибжамол,  
Ором берсин сенга сукунат,  
Бир дамгина холис эт юртим  
Соғинчидан, қўмсовдан фақат.

### ЛЕНИН ВА НЕКРАСОВ

У ёшлиқда кўкка чўзиб бўй  
Оғушига  
Кенглик оларди.  
Волга бўйлаб таралганда куй  
Унга аён эди халқ дарди.

Йиллар ўтди ўй, армон билан  
Хаёллари олисдан ошди.  
Унга яна изтироб тўла  
Некрасовнинг сатри туташди.

Қадим Волга  
Устида аён —  
Бўлди унинг исёнкор руҳи.  
Ильич тинсиз этарди баён  
Некрасовдан олган шуқуҳин.

Некрасовни этарди қадр,  
Китобларин қоралама деб,



Бола пайти, цензор қисқартган  
Мисраларни қўярди ёзиб.

## УЛЬЯНОВСК ОСТОНАСИДА

Турганимча қотибман ҳайрон  
Ақл ва қўл кашфини кўриб,  
Гўё Волга, вақт ва замон,  
Узра бунда қўйилган кўприк.

Турнақатор кетганча устун —  
Поезд ҳар гал елиб ўтганда,  
Назаримда ўтмиш ва бугун  
Қўлларида маҳкам тутгандай.

Кўкламда музёраар сузар бот,  
Тўлқинлар кўчади тоғ мисол.  
Икки кўприк — ўша қўш авлод,  
Икки даврни қўшолган тимсол.

## ЛЕНИНГРАД

Дунёда бунчалик кўркам шаҳар йўқ,  
Нева салобати кўприклариди.  
Адмиралтейство, ҳар ҳайкал — қўшиқ,  
Гўзаллик барқ урар бари-бариди.

Музейлар, саройлар бунда беҳисоб,  
Бундадир шавкатли мис чавандоз ҳам.  
Фин вокзали узра турар мукаррам  
Ильич броневикдан қилганча хитоб.

Ўтмиш кўз олдимда  
Бўлар намоён,

Болаликдан азиз бунда ҳар нарса,  
«Аврора» устидан боқаман ҳар ён,  
Тўлқинлар қирғоққа сапчир ҳар лаҳза.

Боқаман, ҳайкаллар, иншоотларга,  
Ана Пушкин турар  
Сал қўлин чўзиб —  
Илҳом оғушида исёнкор шеър-ла  
Гўёки подшони олгандай узиб.

Йўл оламан гавжум Невский томон,  
Ажиб бир хотира қўзғайди сабо:  
Достоевский билан наридан шу он  
Чўқон Валихонов келарди гўё.

Келарди гўёки каромат бўлиб,  
Жон ато қилинган ҳайкал сингари.  
Халқимизни англаб етолмас тўлиқ  
Дўстлар,  
Ким кўрмаса Ленинградни.

Азиз Ленинград.  
Шафқатсиз қамал.  
Кўраман қиш қандай  
Совуқ бўлганин,  
Шостакович аскар сингари ҳар гал  
Симфониясини жангга солганин.

Кўнглимдан кечади  
Оч бўлсалар ҳам,  
Жасур ижод қилган мардлар тилаги.  
Берггольц шеърин ўқи,  
Қандай нур билан  
Тўлиб-тошган экан унинг юраги.

Кўрдим Қозоғистон олис овулин,  
Жангга ёрдам, деди, топгани барин.

Нидосин тинглайман бугун Жамбулнинг:  
«Ленинградликлар, жигарбандларим!»

Қамал...

Қардошлик қабристонида  
Куй бизни ўтмишга элтгандай бўлди.  
Рангпар бир қизалоқ ёзганди шунда:  
«Укам вафот эди. Онам ҳам ўлди»...

Асло унутмасман бу гапларни мен,  
Хотиним ёш тўкиб йиғлар армонда:  
Ленинград учун ўлган акасин  
Ёсларкан Пискарёв қабристонида.

Бу ерда учрашар халқларнинг бари,  
Барча вакиллари ҳар дам, ҳар куни.  
Дўстлар!  
Ким кўрмаса Ленинградни,  
Билмас мамлакатнинг буюклигини.

## ФАЗОГИРЛАР ВА КОНЧИЛАР

Қирлар чўчиб тушдилар:  
Фазо сўқмоқларидан  
Учиб кетди осмонга нур каби тез ракета.  
Шамоллар эсиб келди Бойқўнғир тупроғидан,  
Жезқазған конларига хушхабарлар элита.

Бир дам ўтмай ел эсди  
Сайёранинг қаъридан,  
Шаҳарларнинг бағридан ўрлади олам сари,  
Кончилар кўчасига ўтиб келди наридан,  
Фазогир кўчасидан чиқиб кетди сарсари.

Бундоқ ўйлаб қарасам  
Битта даврда яшаб,

Бир оҳанг, битта тақдир ила боғлиқ ҳамиша,  
Фазогир ракетаси учар курра устида  
Кончи комбайнлари — эса ернинг остида.

Менинг шеърим кемаси сизда сузар, кенгликлар,  
Икки машҳур бу кўча унинг илҳомий изи.  
Унга чуқур ер қаъри, юксак фазо — тенгликлар  
Фазогир ва кончининг қалбидадир илдизи.

### 251-УФҚ

О, ишончу шараф Ватани —  
Мис ундирган замини кабир,  
Жезқазғанда биламан тайин  
Бордир уфқ — 251.

Ғалабадан ғалабага ип  
Тортар давр — давр ошароқ,  
Шоширади Дубосенково  
Ўз қаърию қўйнин очароқ.

Бунда мушкул ўзни бошқармоқ...  
Тортилади таранг асаблар.  
Бунда тақдир — ўрнатар ҳайкал  
Уфқ 251-га баробар.

Унда енгил булутлар кўчар,  
Атрофида соялар узун.  
Бунда ҳар тонг сиёсий раҳбар  
Клочков шайлар курашга ўзин.

«Эртак бўлиб яшасин улар»,  
Деган хаёл бошда қолгандир.  
Қозоқларни танийман, жангда  
Тонгни тундан енгиб олгандир.

Тоққа, қирга бор муҳаббатим,  
Москвада ҳам эмасман меҳмон.  
Ватанимнинг қадди — қомати  
Конлар уфқи каби қадрдон.

Дубосенковода, ҳа, шунда бир вақт  
Жасоратга қоқилганди ёв.  
Зарур бўлса мен шу ерда нақд,  
Топарман ўз тепалигимни.  
251-уфқи  
Топгандай бурро.

## БУДАПЕШТДА

Кўприklar, кўприklar, кўприklar ҳар ён,  
Пешт билан Будани бирлаштиргандай  
Кўприklar остидан сув оқар хандон —  
Хаёл суриб оқар зангори Дунай.

Худди икки ошиқ бунда учрашиб,  
Вафодор бўлмоққа мангу онт этган.  
Меъморчилик билан ҳайкалтарошлик  
Шундай бу маконда бирлашиб кетган.

Будапешт бўйнида маржондай қатор  
Ҳамма асрларнинг ёдгорликлари.  
Бир-бирин тўлдирар най билан дутор  
Қўшиқдаги сўз ва оҳанг сингари.

Намоён бўлади бугунги кун ҳам,  
Ўтмиш ҳам.  
Қарангиз ҳайкал турибди.  
Гўёки чулдаги кўлларда бу дам  
Жуфт бўлиб оққушлар сузиб юрибди.

Булутлар ортида ёдгорлик турар  
Анов юксакликда, тоғ тепасида.  
Миннатдор одамлар бунёд қилдилар  
Жангдан қайтмаганлар хотирасига.

Бекорга эмасдир тоғ ва ҳайкалнинг  
Бирга ҳамкор бўлиб сукут сақлаши.  
Миннатдорлик билан ўйлаб мардларни  
Бекормас кўнглимда қўшиқ чақнаши.

Мен вазмин юрибман, қовоғим солиғ,  
Сабабини билмас, уларга бу сир.  
«Одамлар бир-бирин ҳеч қирмасин, йўқ!»  
Унинг оҳанги ва сўзлари шудир.

Бир куни, чиқмайди ҳамон, эсимдан,  
Мен меҳмонхонадан оҳиста чиқиб,  
Будапешт оралаб  
Тонг орқасидан  
Жўнаб кетдим шундай таваккал қилиб.

Шошилмай кузатдим уйми, қурилма,  
Нимаки дуч келса кузатдим барин.  
Бир гуруҳ одамлар ҳайкали мана,  
Олдинда от минган  
Йўлбошчилари.

Озодлик майдони. Ажиб манзара,  
Бир кўча очилди менга шу ердан.  
Бир кўча тонг билан менга рўпара  
Бўлди,  
Янгилиги, зийнати билан.

Йўл бўйида ўрмон. Елкама-елка,  
Олға бораётган одамлар каби.  
Бир ҳайкал юксалди.

Ўрмон олдида,  
Пайдо бўлди улкан Ильичнинг қадди.

Ортидан борарди беҳисоб одам,  
Шодлик ва иқболни истамайди ким?  
Будапештни кезиб ўша субҳидам  
Москвага етиб келгандай бўлдим.

## ҚИШЛОҚДА

### I

Бунда ҳамма нарса саҳоватпеша,  
Кўзлар ҳам,  
    сўзлар ҳам,  
        ишоралар ҳам,  
Ешлар жой беради ҳурматлаб менга,  
Кексалар сўзида ҳурмат жамулжам.  
Қадаҳ олатуриб айтган  
    шеъримни  
Очиқ кўнгил билан  
    мақташар бутун.  
Мен ҳам аямасдан зарра  
    меҳримни  
Раҳмат, дейман нон-туз,  
    бошпана учун,  
Чўл учун.  
    Кўпларин танимай қолдим,  
Йиғилган бўлса ҳам  
    қўшнилари, холос.  
Отам билан бирга  
    урушга кетиб,  
Қайтиб келганлари қолган  
    жуда оз.

Ҳамма менга савол  
                    бергиси келар,  
Билмоқ истар пойтахт,  
                    дунё ҳақида.  
Менинг қалбим кўпроқ  
                    билмоқчи бўлар  
Одамлар, ўзгарган  
                    сахро ҳақида.  
Овуллар қўшилиб,  
                    бўлиб бир қишлоқ,  
Яқинда шаҳардан қолмайди фарқи.  
Уйлари озода,  
                    бор газу чироқ,  
Очилиб боради  
                    ақлнинг тархи.  
Кўпдан бўлмагандим  
                    рости бу ерда,  
Бунинг-чун ўзимни  
                    билмам гуноҳкор,  
Лекин алам қилар  
                    юртинг ҳақида  
Хат, кино орқали  
                    бўлсанг хабардор.

2

Дастурхон бошига  
                    бугун тўпланиб  
Савол ёғдирамиз  
                    яна ва яна.  
Сўзлаймиз бу йилги  
                    ғалла ҳосили,  
Чўлнинг истиқболи, қишлоқ ҳақида.  
Нима борлиги-ю,  
                    нима камлиги,



құлнинг бандлиги  
Сўнгра сўроқ бердим  
    қўшни қиз ҳақда.  
Уни билар эдим  
    болалигимдан,  
Сарви қомат эди,  
    буғдой ранг эди.  
— Кўкчатов томонда  
    яшайди экан,  
Оиласи катта.  
    Бахтиёр, — дейди. —  
Унта боласи бор.  
    Қаҳрамон она.  
Битта ҳам қизи йўқ.  
    Шунақа гаплар.  
...Тутқун қилолмадим  
    уни, на чора.  
Энди хурсанд бўлмас  
    мени кўрмоқдан,  
Мен ҳам истамайман  
    ундан ҳеч нарса,  
Ва лекин эсимдан  
    чиқмайди ҳамон,  
Чўлда сурувимдан  
    қочган оҳужон.  
Қадрдон қишлоғим  
    ҳамқишлоқларим  
Жўшқин илқомимнинг  
    зар булоқлари.

## БОҒБОН МАНЗУМАСИ

*Маҳмуд Мирзоевга*

Гаплари ҳам қисқа, табассуми ҳам,  
Саранжом-саришта, босиқ, хотиржам,  
Беҳуда ўтмайди, умрида бир дам.  
Олиму боғбону шифокордир у,  
Мен толеи кулган ўзбекни кўрдим.

Агар боғда кўрсанг кескин ўзгариш,  
Ўйлама чакки иш, ё хато бўлмиш,  
Бунда ҳар майсада мақсад етилмиш.  
Ҳар мева, ҳар гулда — ҳар ўсимликда  
Дори — шифобахшлик хислатин кўрдим.

Нозикдан нозикдир хипчабел гуллар,  
Атиргул бағрида бор қанча сирлар,  
У тортиниб турган шўх қизга ўхшар.  
Қанчалик гўзалдир ул чиннигуллар,  
Боқиб, кўзларимни узолмай қолдим.

Мени ҳайрон қилган бу эмас фақат,  
Боғбонда жам бўлмиш турли фазилат,  
Дастурхон безаги мева, гул, шарбат...  
Фақат нозу неъмат эмасдир бунда,  
Шифобахш дорилар эканин билдим.

Бунда ҳар бир мева кўп дардга даво,  
Боғбон билмас сир йўқ оламда асло,  
Ҳар дарахт: «Мен фалон касалга шифо,  
Шарбатим, мевам ё гулим ол», дейди.  
Унинг дарддан фориғ этганин кўрдим.

Мевалару гуллар бунда бир бўлиб,  
Яғона мақсадга ўсар интилиб,

Илк бор шу ерда дунёга келиб  
Тарқалган инсонни мевалар билан,  
Гул билан даволаш хизматин кўрдим.

Бу шифохонага ким келса агар,  
Қайтади дардидан қолмасдан асар,  
Кўпдир бу даргоҳни истагувчилар.  
Боғбон шифокорнинг ортиб шуҳрати,  
Донғи кетмоғига далолат қилдим.

Ташландиқ ер экан илгари бу ер,  
Тошкент четидаги паст, баланд тақир,  
Энди кўрганларни этгудай асир —  
Илоҳий бир бўстон вужудга келиб,  
Яшнаб турганининг гувоҳи бўлдим.

Ўйлаб ёзганим йўқ, кўрганим ёздим,  
Бахт кулиб ўзимча янгилик очдим,  
Ташландиқ ер бўлмас, бўлса ихлосинг  
Тилда ташландиқ сўз бўлмаган каби.  
Бунинг исботини кўп бора кўрдим.

У олим, боғбону шифокордир чин,  
Севаман истеъдод кўп қирралигин,  
Осиё гулларин оралаб бугун  
Ҳамма дардларимдан халос бўлгандай,  
Боғ ўстирганларга раҳматлар айтдим.

Аминман қучади уни шон-шуҳрат,  
Ҳали олқишлагай бутун мамлакат,  
Маҳмуд ака мева, гул билан шифо  
Бергандай, шеърларим, кўрсатинг ҳиммат,  
Сўз билан дардларга берингиз даво.

## ШОИР ҚАЛБИ

Олмос қилич каби шеъри барқ урур,  
Ҳақиқат деб мангу курашга қодир.  
У даҳшатли жангда олдинда борар,  
Бошқача тақдирни истамас шоир.

Экиш, ўришни ҳам ўйлайди ҳар чоқ,  
Дунёга меҳмондир ҳаммадай у ҳам.  
Аммо у ҳаётни севади кўпроқ,  
Унда чуқурроқдир севги ва алам.

Дунёда у билмас сирли жумбоқ йўқ,  
Кулфатни сезади ҳаммадан бурун.  
Бутун қалб қўрини  
Қилади қўшиқ  
Элни фалокатдан огоҳ этмоқ-чун.

Сирдош бўлолмайдиганга разиллар,  
Асло дўст бўлолмас ёлғончи зоти.  
Кўнгли очиқларга қондош, биродар,  
Шунга фидо эрур шоир ҳаёти.

Бугдой уруғидай  
Интилиб кўкка,  
Ниҳолин чорлайди бошоқ бўлмоққа.  
Эшитиб ўзгалар қалби садосин,  
Тақдирга раҳмат дер ана шу чоққа.

Шоир қалби ўхшаш табиат билан:  
Ёзнинг саратони  
Қишги қор аро,  
Баҳор гуллари-ю,  
Куз файзида ҳам  
Шеър юлдузи бўлиб порлар доимо.

## НОТАНИШ АЁЛ ҲАЙКАЛИ

Шу ҳайкал қошида турибман,  
Сенмикан, деб дилим жўш урар.  
Чуқур ўйга толган ҳолатинг  
Юзларида акс этиб турар.

Бу хаёллар мен ҳақимдадир,  
Бунча гўзал экан бу аёл.  
Қайлардасан,  
Қайдасан ҳозир,  
Ўшандайсан,  
Эй сўлим ниҳол.

Агар сенга ўхшамаса ул,  
Ташна кўзим унга тикардим.  
Севгим билан берардим сайқал,  
Соқов тошни ўзгартирдим.

Юрагим шув этар: у бошқа,  
Пинҳон эрур менга хилқатинг.  
Кўрган эдим қизил пальтода,  
Кўз олдимда турар қоматинг.

Ўйлар, ўйлар..  
Дарё бўлмаса  
Не кечарди денгизлар ҳоли?  
Мен нетаман ҳижрон тугаса,  
Адо бўлса висол хаёли!..

## ПАРАДОКС

Сой бўйида белгача майса,  
Интиласан болалик сари,  
Болнинг таъми... яна истайман  
Кечагидай чақсайди ари...

Овул. Шақиллайди самовар,  
Қанотида учиради пар..  
Оларканман чойни аёлдан,  
Булоқ суви ўтар хаёлдан.

\* \* \*

Қўзғалмайман,  
Йиртиб кўзимни  
Чинқиради будильник узоқ.  
Кетгандайсан сен куни кеча  
Менга зарур бугун эшитмоқ  
«Тур ўрингдан!» деган сўзингни.

Чорак аср суяндим сенга,  
Тонгдан бошлаб ёлғизлик эзар,  
Алмашолмас, йўқ, сени ҳеч ким,  
Тасавурда майинлик кезар;  
Қадаяпсан тугмачамни жим...

### ПОЙГА ШАРТИ

Йўлда омад менга бўлса агар ёр,  
Етиб олсам сенга ҳаммадан аввал.  
Тўшимга тортганча бўлсам бахтиёр,  
Кўзингни юмгин-да бермагил халал.

Кунлар бунча ахир бўлмаса чопқир!  
Чўққи мўлжалимда, унутмадим, йўқ.  
Илк пойгадан зафар гашти ўт ёқур,  
Борлиқ, томиримда югуради чўғ.

Умр ўтаверар мураккаб, гир-гир!  
Шунчаки пойгадан бор эканми наф?

Рақиб менга ҳадик беролмас ҳеч бир —  
Тезроқ кела қолса, кошкийди шараф.

Илҳом париси,  
Бутун вужудим-ла турибман пешвоз,  
Учратмади бизни ҳеч бир тасодиф.  
Билгил меҳнатимга поклик асос деб  
Ва тингла дилимдан чиқар қай овоз!

Биринчилик асло бўлинмас, тушун,  
Ярим ютуқларга йўқ менда ҳавас.  
Пойганинг энг зарур шартлари учун!  
Галабага қатъий ишонч бўлса, бас!

### ОТ ДУПУРИ

Мангу соқчи булоқ бошида  
Қабр тоши ётибди беун.  
Не асрлар турган қошида.  
Ҳозир эса унга чўккан тун.  
Оддий қозоқ ётибди бунда,  
Қачонлардир шунда куйлаган.  
Уша мудҳиш қазо ҳақ кунда  
Шундай ғамгин сўзлар сўйлаган:

«Ҳашам қабр — ортиқча чиқим.  
Ушбу жойни ният айладим.  
Унда ҳар кун сув ичар йилқим,  
Уша ерни қабр сайладим.

Сўнгги марта тўйиб боқайин,  
Аямасдан кўздаги нурим,  
Қимиз ютиб кайфда оқайин  
Ва мангуга тотай ҳузурин.

Айрилиқнинг ҳукми барқарор,  
Тулпоримнинг тортиб юганин,  
Видолашув олдидан сўнг бор,  
Кўрсатсайдим ёрга юрганам.

Тамакидан тутун бурқситай,  
Ҳаёт берар ўлимга ўрин.  
Шунда ётиб қалб сезиб тургай  
Сеҳр тўла отлар дупурин».

### ШЕЪР КЕЛГАН ЧОҚДА

Менга ҳар гал шеър келган чоқда,  
Хазинанинг кўзи очилар.  
Қанотларим ўзи очилар,  
Илҳом шашти тўлиб қучоқда.  
Муҳаббатнинг юзи очилар.

Чўмиб кетгум эзгу ҳисларга,  
Севиб яшаб, куйиниб яшаб.  
Илҳомсиз кун, айтсам сизларга,  
Бекор ўтиб кетади қақшаб!

### АВЕЗОВГА ТАШАККУРИМ

Ота юртда эсладим бугун,  
Чет элдаги ўша аёлни.  
Билар-билмас қийнаб рус тилин  
Берган эди менга саволни.

Қай юртдан мен...  
Унинг сўзидан  
Дўстона ҳис, кайфин англадим.  
Жавоб кутиб уни тингладим —  
Чўғдай ёниб турган кўзидан.



Нур нурларни қувар кетма-кет,  
Қисқагина висол чоғида.  
— Советданман!  
— О, сен Совет!  
Советнинг қайси ёғидан?  
— Қозоғистон!  
— Мен тушун... тушун...—  
Тушунмасдан қиларди жавоб.  
Абай!— дедим англаши учун,—  
Ўқидингми у ҳақда китоб?—

Мадам манглай терини артиб,  
Бирдан кулиб қўйди мулойим:  
— Мерси! Ай, Эзоп!— Ҳаяжон ортиб.—  
Тасдиқлади мени у ойим.  
Сўз айтолмай бўғилганига  
Айб топмадим,  
Авезов МУХТОР,  
Унга раҳмат, раҳматим қатор  
Қозоқ бўлиб туғилганига!

\* \* \*

Оққуш учиб кетди олис юрт томон,  
Менинг энг суюкли олмос қушгинам,  
Қишгача ҳали бор. Кузак — ушбу дам,  
Нега мен баҳорни чорлайман ҳамон.

Кимсасиз қолган кўл оққушни кутар,  
Сомон йўл хирароқ, у қайдан ўтар.  
Қайдасан, оққушим, қиш чоғи қайда?  
Ер шарин оғдириб туйғум излайди...

Ёт юртда оққушга ҳаёт бегона,  
Ёнида мен бўлгим келур парвона,

Оппоқ қиш ҳам келди, қор қўнди инга,  
Гўё оққуш қайтиб келди мангуга.

## ЮРТДОШ БИЛАН СУҲБАТ

— Алло, ким бу?  
— Вася Рерих!  
— Ҳа, сен келдингми?  
— Мана ҳозиргина ерга қўйдим юкимни...  
— Салом!  
— Салом!  
— Саломдан ҳам аввал билдингми,  
Москвада эслайлик Жезқазғандаги кунни!  
Кел!  
Хотин, болалар хурсанд бўлиб кетади,  
Фили метросига тушсанг етасан дарҳол.  
Сен билан  
Дўстларим меҳри менга етади,  
Ва кон ертўласидан эсан хуш шамол.

Бир илм даргоҳида бирга ўқиб иккимиз  
Бирга кузатмадик қизларни тунлар,  
Дақиқа санамадик  
кураш, жангда биз,  
Биз — шахтадошлар!  
Шундан ёрқин кечар бу кунлар.

Сенинг сафдошларинг келмайди ҳеч малол —  
Қозоқларнинг удуми яшайди танамда.  
Филида Кутузовдай кенгашайлик бемалол,  
Тинчликдан сўзлашайлик, урушданмас бу дамда.  
Хижолат чекмагин,  
Сен ҳақда туйғум эзгу,  
Эслаб қўяман бот-бот сен узоқда юрганда.

Юрагим қаърида асрайман ҳамманг мангу,  
Ер қаърида ҳамон бирга ишлаб тургандай.  
Мен сен учун, дўстим,  
Очиқ кўнглимни айтай,  
Шоир ҳам эмасман

Ва ё сенинг бошлигинг.

Ахир бизга жез кони яралган бир байтдай,  
Шунда унди, улғайди меҳнаткаш қардошлиги!

Телефонда барин айтиб улгуриш қийин,  
Алло!

Кутмоқдаман, жуда ҳам сени интиқ,  
Вася Рерих, шу туйғу мангуга бўлсин тайин —  
Конда тўкилган тердай  
Меҳримиз доим тиниқ.

### ҚАЛБ НУРИ

Қалб нуримнинг ҳароратини  
Ўз шеъримга қўшдим жон билан.  
Шоир, кончи ўй, ҳаётини  
Сирларимни қўшдим қон билан.

Ўз олашим унда,  
Ўз йўлим,  
Бор ҳақиқат бари рўйи рост.  
Шу ҳаётдан шеър топар кўнглим,  
Шу ҳаётга қайтаради боз.

Бекор эмас ичи тошида  
Ҳаёт тузи обдон қоришган.  
Қаҳратон бор — сабр бардошида,  
Шодлик ва дард бир жой олишган.

Унда шаҳар,  
Қирлар бепоён,

Унда юртим, ўзга юртим йўқ.  
Унда дардим, дардларим аён,  
Сайёрамни кўраман тўлуғ.

Унда кузим ёзга уланар,  
Унда зафар, меҳнатни кўринг.  
Бўлмаса гар сатримда улар  
Номимни шарт ўчириб қўйинг.

\* \* \*

Ғалабага юрсам муқаррар  
Манманлигин қуваман қалбнинг.  
Фаҳрим шуки,  
Меҳнатим ила  
Ишончини оқладим халқнинг.

Одамларни бамисли қуёш  
Олға бошлаб нур сочай қаттиқ.  
Турғунликка йўқ менда бардош,  
Лек сўзимда тураман қатъий.

## ЎҒЛИМГА

Истагандай яша,  
Дўст тутингин, кимни хоҳласанг,  
Аммо орзуларинг ошсин амалга десанг,  
Тунингни узайтма, кун ҳисобига  
Ташлама ўзингни ғафлат азобига,  
Ҳаёт йўли... Унда ҳоришдан  
Теп-текис йўлда ҳам тойиб кетар фил.  
Бедор тунлар ҳаққига узайса кунлар!  
Ҳаловатсиз ўтмапти, демак кунлар, бил.

\* \* \*

Ҳайкалга қарайман. Мармар қад.  
Кўзимни ололмай қоламан.  
Бу буюк, мукаммал нафосат —  
Қошида хаёлга толаман.

Куз ели хазонни тўзгитар,  
Тўзгитар изғирин хаёлни.  
Мармарни шамолдан ким тўсар  
Ким асрар жунжиккан аёлни!

Мўъжиза қошида маҳлиё  
Йўқотиб қўяман йўлимни,  
Жимгина айтаркан алвидо —  
Силтайман хўрсиниб қўлимни...

\* \* \*

Баҳор фаслин чорламам фақат,  
Севимлидир ёз ҳам, кузақ ҳам.  
Ўтмиш энди дилимга пайванд,  
Дил пайвандин тарк этмас одам.

Умр эмас йиллар саноғи,  
Аммо гапнинг тўғриси айтай.  
Синфдошим кексайган чоғи  
Қизалоқ деб қандайин атай...

Талпинмайман ўтмишга томон,  
Ёшлик қувноқ, осонроқ кечар.  
Фақат уруш  
Кўрганлар ҳамон —  
Ўша билан умрини ўлчар.

\* \* \*

Дард ёқмасин дилингни,  
Кун кетидан кун ошиб  
Совурмасин кулингни  
Борлигинга ўт тушиб...

Адашмагин ҳаётда,  
Умр ўтгач ўкинма.  
Чайқатма дард дарёсин  
Чайқатдингни — ўксинма.

Ўйнаб-кулиб яша, бас,  
Қолмасин юрак доғи.  
Ахир булбул сайрамас  
Беҳуда баҳор чоғи.

Яшайбер суюб-суюб,  
Етар йиллар армони.  
Йигларсан тўйиб-тўйиб —  
Келганда сўнгни онинг...

\* \* \*

Не учун тўлмасин қалбимга ғурур,  
Насиб этмиш менга туғёнли ҳаёт,  
Кун бўйи кончиман — меҳнат ва шуур...  
Тун бўйи ҳамдамим — илҳом ва ижод.

Қалбимга қанотдир иккаласи ҳам,  
Раҳимдек пок эрур унда эътиқод.  
Бизни тарк этганда кўз юмиб отам —  
Ленин шу тақдирни берди умрбод.

Ижод ва маъданни  
Танитди илк бор,

Отадек силади бошимизни у.  
Ленинчи номини олдик умрбод  
Мен ва менинг дўстларим мангу.

## УРТАНМА

Уксинмагил, ўзни қўлга ол,  
Дардларинг қалқмасин кўзингга.  
Ўртамасин кўксингни савол  
Шубҳа томиб ҳар бир сўзингдан.

Кенг уфқлар очмоқда қучоқ,  
Орзуларинг чорлайди улар.  
Эрк бер, парвоз этсинлар бу чоғ.  
Қанотларин қирқмай қайғулар.

Ошиқларга ошиқ кўз билан,  
Қувонч билан ташлагил назар.  
Қара, қушлар сайрамоқда шан —  
Куртак очган боғларда саҳар.

Гарчи ўртар шубҳа-ю, гумон,  
Севган қалбга ҳаловат бермас.  
Билиб қўйки, ҳаёт ҳар қачон —  
Кўз ёшлардан иборат эмас.

## ОЛАКЎЛ

Етти довон қучоғида олиб ором  
Туйғулардай тўлғонасан Олакўлим.  
Соҳил бўйлаб кетган қамиш. Боққан замон —  
Қиз кипригин ёдга солар. Қалқар кўнглим.

Қани ўша чўпон қизи? Қани висол?  
Олакўлим, нега дардли чайқаласан?

Ўтли нигоҳ наҳот бўлиб қолди ҳаёл,  
Наҳот армон бўлиб қолди демоқчисан!

Олакўлим, сўрайсанми мендан кўнгил,  
Нега оғир тебранади гунг қамишзор?  
Демагайсан: «Ўша қиздан умид узгил»,  
Қалқаяпсан, демак сен ҳам васлига зор...

\* \* \*

Буни қай сўз билан атасам экан?  
Шубҳа-хавотирни итқитиб нари  
Бир қўлда шеърият, бир қўлда маъдан —  
Парвоз этсаммикин уфқлар сари!

Руҳимнинг рангида  
Иккаласи ҳам,  
Қоришиқ туйғудай эзгу ҳиссиёт,  
Қай бири, рости гап, қимматроқ, билман,  
Кун каби маъданми, нур каби ижод...

## САККИЗЛИК

Дафъатан бостириб келар хогирот,  
Ҳамон кўз ўнгимда бўлар намоён  
Севгим рад этганинг беҳис ва шадод,  
Совуқ нигоҳ отиб мағрур ўша он.

Кулфатга мардона бера олдим дош,  
Қасос ҳам олмасман. Йўқ бунга тоқат.  
Тўғри, кўп қайғурсам, тўксамда кўз ёш —  
Бахт топдим, сен энди унутгил фақат...



## АБАЙГА

Сўз, хаёл рангидан яратдинг олам,  
Оламча бормиди сенда эҳтирос?  
Чексиз кенглик сари қанот қоққан дам —  
Авлодлар ўрганди этмоқни парвоз.

Чўл куйин тилингдан тинглади само,  
Ҳайратдан тиниқиб, кўз очди хилқат.  
Биламан, кўкда йўқ ҳеч қандай худо,  
У ерда бор фақат сен ва шеърият!

\* \* \*

Шабнамларни сачратиб ҳарён  
Учиб борар даштда оҳулар.  
Талпинарлар Сарисув томон,  
Хаёл каби тўзишиб улар.

Жонланади мудраётган дашт,  
Йироқдан кўз ташлайди тоғлар.  
Сўнг тарк этар кузни қилиб ғаш —  
Майсаларни ўпган туёқлар..

\* \* \*

Менга қолса сўзнинг салмоғи —  
Шеъриятда ягона асос.  
Гар бўлса у енгил, ўйноқи —  
Вазнсизлик, бўшлиқдир холос.

Шеър бўлолмас ҳашамдор сўзлар,  
Гарчи йўқдир вазмин ҳақиқат.  
Оқим бўйлаб қайиқ ҳам сузар,  
Қарши борар кемалар фақат...

\* \* \*

Қуёшга талпинар ҳар кунгабоқар,  
Унга кун нуридан ёрқинроқ нур йўқ.  
Тунда ой нурида нур каби оқар  
Қалбига ишқ ўти тушган ҳар ошнқ.

Баъзан ортиқча сўз — кўнгилга сизмас,  
Қуёш нур сочганда шивирни тўхтат.  
Изҳори дил фақат тун билан пайваст,  
Севишган қалбларга у бергай мадад...

\* \* \*

Апрель эшик қоқмоқда бугун,  
Дашт ҳам енгил олмоқда нафас.  
Улоқтириб музлик — пардасин  
Ер кўпчийди, сув ўйноқлар маст.

Қўзичоқлар ўйноқлайди шўх,  
Айлантирар қимиз бошингни.  
Булбуллар ҳам бошлайди қўшиқ,  
Олқишлайди борлиқ қуёшни.

Апрель эшик қоқмоқда тагин,  
Ўнгирларда акс-садо янграр.  
Мен айтаман севги эртагин,  
Сен гўзалсан шу эртак қадар!

\* \* \*

Чойшаб мисол силкитиб  
Бўлмас тунни, рости гап,  
Нигоҳларни тортади,

Жимирлайди кенг само.  
Ерқин юлдуз порларди  
Олатов узра бирвақт,  
Порларди... энди уни  
Қайдан топарсан аммо...  
Уринишлар беҳуда,  
Беҳудадир оҳу воҳ.  
Қадимгидек, порлайди  
Ўша юлдузлар тағин.  
Олатов узра изғир,  
Тополмас аммо нигоҳ  
Барча юлдузлар аро —  
Юрагимнинг юлдузин...

### ПУШКИНГА

Нафратни ҳам, эзгуликни ҳам  
Юксак тутган илҳом билан у.  
Ҳар асарга қўл ургани дам —  
Илоҳий руҳ бахш этган мангу.

Мутлоқ нурмас даҳолар умри,  
Шундан баъзан босади ваҳм.  
Бермаса деб озор  
Шоирнинг  
Соясига ожиз бир мисрам.

### ЧУПОННИНГ ЖАВОБИ

Жезқазганим!  
Ёдингдами ўша оқшом.  
Коинотни сайр этиб тушган чоғи  
Артюхин ва Поповичлар  
Бериб салом —  
Қандай яшнаб кетган эди кенг ўтлоғинг...

Нозик санъат асаридай  
Кўз ўнгимда  
Бор кўркини очган эди ўшанда чўл.  
Ёзнинг қайноқ кунларийди,  
Вертолётдан —  
Кузатгандик уюрларни биз йўлма-йўл.

Гулдасталар. Қозоқ чойи. Айрон. Қимиз.  
Овул эмас, йигилгандай бутун жаҳон.  
Турган гапки, тонг отгунча  
Энди сўзсиз —  
Тунни ҳеч ким тан олмайди  
Кутиб меҳмон.

Ҳазил қилар кула-кула  
Кекса чўпон,  
Оқ соқолин селкилладиб, қимиз тутиб:  
— Ҳушёр бўлинг кейинги гал,  
Азиз меҳмон,  
Анов завод мўрисини  
Кетманг туртиб...

Қаҳқаҳалар узилмайди  
Тонгга қадар,  
Бир космонавт оқсоқолга  
Берар жавоб:  
Сарисувни туртмоқлик ҳам  
Ажабмас, гар —  
Бўлмаганда илму фанда ҳисоб-китоб...

Хайрлашув они етди,  
Ростлаб қаддин —  
Сўз айтмоққа шайланади  
Попович ҳам:  
— Самодан кенг кўрсак деймиз  
Ўтлоқ қаддин,

Қўй-қўзингиз юлдузлардан  
Бўлмасин кам.

Завод узра ёлқинланар  
Шом ёгдуси.  
Кенгликларнинг меҳри каби  
Ёнар жим-жим.  
Биладики, қозоқларнинг  
Удуми шу:  
Фазогир ҳам оқсоқолга  
Қилар таъзим.

Соқол силар чол ҳам, чуқур  
Ўйга ботар,  
Назар ташлар чўлга, сўнгра —  
Шаҳарга жим...  
Хаёл, армон, туйғуга ғарқ.  
У сўз қотар:  
— Эҳ, буларни кўрса эди  
Бир бор Ленин...

## ОҚ ҚАЙИН

Тебранади оқ қайин беҳол,  
Шивирлайди, дардин тўкади.  
Ёшлигимиз ёд этиб шамол  
Юлқилайди, қаддин букади...  
Ҳар япроқда бир ишқий савол.

Бунда бирвақт тонг очиб қучоқ  
Ҳавас билан боққанди бизга.  
Сўзлаб берар: Оқ қайин гувоҳ,  
Гул тутганим қора кўз қизга.

Боқаман оқ қайинга маъюс,  
Юрагимга армон қуйилар.

Умид билан қоришади ҳис,  
Висол они яқин туюлар.

Оқ қайинга ташлайман савол:  
— Эслармикин мени бирор дам,  
Йўқлармикин у соҳибжамол,  
Умид билан яшарми ҳамон?..

Менга шундай туюлар бу дам:  
Бизсиз қайин қадди букилар.  
Юлдуз мисол япроқлари ҳам  
Илк севгимиз излаб тўкилар.

Одимлайман оқ қайин томон  
Нафасимни ичимга ютиб.  
Борлигимни босар ҳаяжон  
Қора кўз қиз тургандай кутиб...

\* \* \*

Менинг рашким сенга келмасин малол;  
Жонинг маломатга қўймас сира у.  
Рашк ҳам вафо каби абадий хаёл,  
Садоқат сингари қадимий туйғу.

Излама сен ундан шубҳаю гумон,  
Майли, дил ўртансин, сўниб қолмасин,  
Эзгулик ўтини сақлайлик омон,  
Айрилиқ дардини бошга солмасин.

### **ШАМОЛ ТЕГИРМОН**

Силкинади таниш қанотлар,  
Ғичирлайди оғир хўрсиниб.

Бир дилбарни ёдимга солар,  
Оғир уруш йиллари бўлиб.

Тўғри, у чоғ шамол тегирмон  
Унмас, кўпроқ тортарди андуҳ.  
Солган эди кўнглимга армон  
Тегирмончи қизи — парируҳ.

Кутар эдим соатлаб интиқ  
Тайёр эдим кутмоққа ойлаб.  
Ёдимдадир, кўзлари қийиқ —  
Чимиргани қошин атайлаб.

Чорлагандай имлар яқинроқ  
Хаёлимда сирли мўъжиза.  
Гар кўрмасам ўртайди фироқ  
Гўё ўтар умрим беҳуда.

Вужудимда ажиб бир туйғу,  
Қотиб қолар бўғзимда сўзлар.  
Тарк этарди тунлари уйқу...  
Руҳим қаби шамол ҳам бўзлаб.

Ёдимда бор, ғалаба куни  
Онам менга сўз қотар шундай:  
— Тегирмоннинг гирдида тунни —  
Кутармишсан... не гап, айланай?..

Боқар эди қовоғин уюб,  
Қарашлари тешгудай танни.  
Танбеҳ берар койиб ҳам суюб,  
Юксак тутиб ўғли шаънини.

Тегирмончи гирдида у чоғ  
Уймалашиб юрарди кўплар.  
Сигир боқиб ўтинин ёриб,  
Нон дардида турарди кўплар...

Аммо маним йўригим ўзга...  
Англамадинг дардимни, онам.  
Етолмадим у қора кўзга,  
Армон бўлиб қолди орзу ҳам...

Қулоғимга чалинади бот  
Дашт шамолин мунгли нидоси.  
Тегирмонга бошлар хаёлот  
Чорлагандай илк ишқ савдоси...

## НАСТАРИН

Настарин гуллади, юз очди кўркам,  
Висол онларини ёдимга солди.  
Эсингдами настарин, эркам,  
Орзулардан фақат шу қолди.

Қучай десам — етмасди қўлим,  
Ширин туйғу эди настарин.  
...Жўнаб қолди ноғиҳон ўғлим  
Довдир-довдир одимлаб тагин.

## КЎПРИКЛАР

Айрилиқ. Фуссалар. Ташвиш-ғам.  
Ва лекин тоабод,  
Муқаррар  
Йўллар боғлангандир кўприклар билан,  
Кўприк-ла боғлиқдир юраклар.

Кўприклар қурдик биз кўркам, муҳташам,  
Туташтириб не-не соҳил-сарҳадни.  
Бизлар мамлакатлар аро мустаҳкам  
Ишонч кўприкларин ўрнатдик.



Йил сайин кўрк очиб бормоқда Сибирь,  
Наслимиз лойиқдир ҳамду санога.  
Уларнинг толеи бутун, нақд бўлур,  
Кўприк қуражаклар улар самога.

Уфқларда оташ ловиллаб у кез,  
Кўрган-билганимиз бўлганда кулфат,  
Портлатиб кетгандик кўприкларни биз,  
Лекин улар тагин тикладилар қад.

Кундузлар қорайиб,  
Кечалар милт-милт  
Чорлайдилар улар дўстдек вафодор.  
Фақат юракларнинг орасидаги  
Кўприкларни қайта тикламоқ душвор.

### **ДИЛИМ ТИТРАБ КЕТАР...**

Кўнглимга яқиндир кузак дамлари,  
Унинг бағри тўла шукуҳ ва ашбор,  
Унда мужассамдир тароват бари,  
Унда саховатнинг нашидаси бор.

Ҳаволари сарин-толиқмас юрак,  
Ўтган кунларимга ясайми яқун.  
Учиб кетаётган қушларга қараб,  
Қўшиқларим ато этаман мамнун,

Кузнинг рухсорига ахтариб ташбих,  
Сатрлар битаман сержилва, теран.  
Узилган баргларга кўзим тушса лек,  
Дилим титраб кетар бехосдан, бирдан...

\* \* \*

Баҳор эпкиnlари эсдилар эрта,  
Фақат эримасдан ялтирар музлар.  
Ажабсиниб боқар қайинлар менга,  
Ажабсинганидек овулда қизлар...

«Уйланди! Ер топди олис шаҳардан!» —  
Уни таъна билан этарлар мулзам.  
Менинг кўнглим ўсар бу гап-сўзлардан,  
Ажаб, эсларкан у мени ҳали ҳам.

\* \* \*

Ўз баҳорим этгай сарафроз,  
Ҳар ён йўлим бурмасман ҳаргиз.  
Бошланса-да умримизда ёз,  
Эндигина қирқдан ошдик биз.

Ўтар экан йиллар қўйнидан,  
Юз тутмаймиз биз йўқлик сари,  
Зеро бу кун она бўлишган  
Сенга синфдош қизларнинг бари.

Ўзгаларнинг баҳорига мен  
Соя солмам, ўзни тутиб ёш.  
Мен ҳар қачон ўз авлодимнинг  
Тақдирига қолгум тақдирдош.

## ОҚ ТУРНАЛАР

Ухшаб бамисоли садаф маржонга,  
Жимираб кўринар кўкда турналар,  
Улар сингиб борар мовий осмонга,  
Улар олисларга йўл олар.

Балки у жүринган турналар эмас,  
Эшилган ардоғдир нилуфарлардан?  
Балки улар овул қизлари — қушмас,  
Оқариб, олислаб борарлар бу дам?

Хайрлашар улар дашт билаң ғамгин,  
Гарчи ўзларини тутарлар қувноқ.  
Уларнинг шан, ёрқин парвозини жим  
Қузатар безовта юрагим бу чоқ.

# ДОСТОНЛАР

## ХОНАТЛАС

### I Ҳақиқат

Мен Тошкентни бу йил ёз ораладим,  
Кўчаларин кездим, саз ораладим.  
Асрий шаҳар, қутлуғ шаҳар, жон шаҳар,  
Зилзиласи

қалбимни  
поралади...

Табиатнинг ёвуз кучи устивор!  
Ёвуз кучни  
Гум қилганлар бунда бор!  
Ер титраган ул кунларни эсласанг  
Титраб кетар

борлигинг  
беихтиёр.

Ҳов анов уй турибди ҳайратда лол,  
Тенгқурлардан айрилган одам мисол.  
«Омон қолган уй-да бу», — деб эдилар  
Кўзимда ёш қалқди-ю, бўлдим беҳол.

Жўш уриб туйгуларим ўшал заҳот,  
Сатрларга айланди қалбимда бот.  
Ғафур Ғуллом оғамнинг юрагини  
Тинган деб ким айтади?

У барҳаёт!

Сулув фонтан осмонни опичгандай,  
Томчилар сачратиши создир қандай.  
Бамисли оқ бўз от ёл-қуйруғи  
Селкиллаб фазоларга сапчигандай.

Парвоз қилар гўё кўкка бинолар,  
Дўстлик бунда таратади зиёлар.  
Ер йиртигин ямай олди ботир эл.  
Кўриб қўйсин,

чўнг Тошкентни  
дунёлар!

Ана

юксак-юксакларга  
чўзиб қўл

Ленин турар  
кўргизиб барчага йўл.

Бамисоли

Шарқнинг кенг кўкрагида

Юракларга

қувват бериб турар ул.

Чўнг Тошкентнинг биноларин

айтсангиз,

Атлас мисол,

ранг-баранг,

ҳайратангиз.

Ўхшаб кетар

Черемушкига озроқ,

Сиз Тошкентни асрий ёдгор атангиз!

Тебранганда

бўй бердим теран сўзга,

Теран сўзлар

вужудим кўмди ҳисга.

Чин юракдан

Тошкентни жирлаб кетган

Якуб Колас каломи келди эсга.

Симонов ҳам

суярди сени азал,

Мухтор,

Сакен яйрарди эслаб ҳар гал.

«Тошкент шаҳри — нон шаҳри» дерди бобом.

Кўкайимдан

ўчмайди шундай матал.

Ҳисларни тиёлмайман юракда ман,

Борган ерга, одатим, гул экаман.

Сен нечук шеър ёзасан,

деб сўрсалар,

Бирликни улуғлай —

шу тилакдаман.

Қозоқнинг қўриғи гар бўлса обод,

Бутун эл,

жумла Ватан берди имдод.

Бир ғўзада ўн беш кўсакдай якдил,

Яшар ўн беш республика ҳур, озод.

Бир ғўза — бир поядай яшаймиз биз,

Сиз БАМларда кўрингиз бирлигимиз.

Орқага бурсак

Сибирь дарёларин

Ул поя отгай тагин

теран илдиз.

Биз — якдил,

оқ-қорани танир дамда,

Биз — якдил,

шодлик-қувонч,

қайғу-ғамда.

Қалбимни яралади зилзиланг, эҳ,

Дардингга, бил,

шерикман бу оламда!

Дўстликда қойимдирман —

дил сўзи шул,

Яшнаибер, янги Тошкент,  
барқарор бўл!

Шоир халқи,  
азалдан қизиқ қавм.

Юракдан  
юракларга  
солгувси йўл!

Янги Тошкент меъмори,  
Сизга қойил!

Мадҳингизга қалам қисқа, ожиз тил!  
Маъзур тутинг бугун завқли шоирни,  
Хонатласни  
куйламоққа дил мойил!

Хонатлас, бу мағриб-машриқда машҳур,  
Ўзбек қизин  
хонатлас  
кийганда кўр!

Аёл  
нафис либоси ила гўзал,  
Дарахт  
ўзин мевалари ила зўр!

Хонатласдан гўзалларнинг кўзлари  
Нур олади, балқиганча ўзлари.  
Турфа ранглар ичра атиргул мисол  
Қирмизланиб лов-лов ёнар юзлари!

Хонатласга бурканиб олган кези,  
Гул-гул яшнар,  
очилар ўзбек қизи.

Сулувларга  
суқланиб  
қарамаса,  
Нурсизланиб қолар тез оқин кўзи.

Мен Тошкентни ораладим бу йил ёз,  
Хонатласлар чамани кўп эди соз.  
Ўзбек қизи боқмас ёт модаларга,  
Хонатласни

мудом айлайди эъзоз.

Қотиб қолган куй бу  
турфа ранг ичра,

Нақши ёнар ранг ичра,  
оҳанг ичра.

Бу афсундир,  
бу сеҳрдир,  
бу сирдир,  
Ҳеч билгувчи бормикан жаҳон ичра!

Дил берсам мен ўзбекнинг матосига,  
Буни сен йўймагил сўз хатқсига.  
Оқ қалпоғин қирғизлар сийлар доим,  
Хонатлас ҳам, бил, тарих садоси-да!

Агар мен  
тарихларга солсам назар,  
Намоён бўлғусидир ажиб манзар:  
«Ипак йўли»

бундан ўтгандан бери,

Хонатлас  
элга азиз  
нақ жон қадар!

Қозоқ учун  
дўмбира  
муқаддасдир,

Украинга  
қўбизчи шеъри создир.

Кавказликнинг  
жон-дили — «қилич рақси»,

Туркманга —  
чўгирма-чи —



чўнг ҳавасдир..

Нақшларда

на саҳв бор,  
на такрор,

Рангларида

ранг талашар навбаҳор.  
Орзуларга мутаносиб бир чаман,  
Улуғбекнинг ҳандасаси бунда бор!

Ранглар аро тўлқин урган ҳаяжон,  
Навоийнинг

ғазалида намоён.

Хонатласда —

ғазал ҳам бор,  
ямб ҳам бор,

Мато эмас —

бу — бир дoston,  
бир дoston!

Боқсанг,

гўё  
булутлар елиб борар,

Кумушланиб

нурларга тўлиб борар.

Гоҳ Синонинг,

Рудакийнинг  
Ҳамзанинг

Чўнг орзуси —

армони бўлиб борар.

Тошкентда-ку,

барча атлас кияди,

Гулрухсор,

ўрис қизи Мария-да.

Нозифа атлас кияр,

Ойзода-ю,

Оқ томоқ татар қизи Ғалия-да!

Хонатлас номлари кўп бирин-бирин:  
«Лайли-Мажнун» дейсизми,  
«Фарҳод-Ширин».

Ҳар бўғин  
ўз орзусин  
улуғлайди,

Рангларнинг  
қат-қатига  
кўмиб сириш.

Бирини  
«Ўзбекистон» —  
деб атарлар,  
Бирини «Войқўнғир» у,  
бирин — «Зафар».

Бозорга кириб қолсанг мева-чева —  
Ранг-баранг  
боқсанг хонатласга ўхшар.

Ўзбекнинг  
зақосига  
таҳсину шон,

Атласда  
гулшанларин этмиш ниҳон.

Ҳурматингга  
ташлайди  
атлас тўшак,

Борсанг агар  
уйига бўлиб меҳмон.

Метрога тушдим.  
Вагон зириллайди,  
Атласда

ойюзлилар  
пориллайди.

Гул ичида  
оқ қуён кўрингандай,

Қизиқтириб  
                    қўш анор дириллайди..  
Қирга чиқдим  
                    самоларга қасдланиб,  
Пастда  
                    Тошкент ётар эди ястаниб,  
Нурлар ичра  
                    минг битта ранг этиб қасб,  
Очилиб,  
                    шуълаланиб,  
                                    атласланиб!  
Сўнг  
                    музейга йўлим тушди.  
                                    Ё фалак!  
Бу —  
                    атласми?  
                                    Чаманзорми?  
  Камалак?  
Қўҳна тарих  
                    қатларини  
                                    титганда  
Ҳаяжондан  
                    қиндан чиқай дер юрак!  
Кўп ғаройиб хонатласнинг тақдири,  
Тақдири-ю,  
                    тафсири-ю,  
                                    такбири.  
Атлас гули,  
                    нақшларида,  
                                    рангида  
Мангуликнинг  
                    бордир ечилмас сири!  
Самодаги нурдек  
                    ранглар суринар,  
Абрнусха шуълаларга уринар,



Лутфан менга бир ҳикоя сўйлади,  
Бундоғини  
эшитмагандим ҳаргиз.

## 2. Ҳикоят

Бир тўқувчи бор эди оти Аббос,  
Тўқир эди атлас афсонага мос.  
Бобосининг бобоси-ю,  
бобоси

Шул ҳунарни  
айлаб келмишлар эъзоз.  
Тушларига кирар  
рангу бўёқлар,  
Турфа нақшлар,  
гуллар,  
хаёлий боғлар.

Ипак ипнинг  
товланишин кузатиб,  
Шуъласига кўнгил меҳрини боғлар.  
Дастгоҳ ёнин тарк этмайди  
бир зум ҳам,  
Қўлларида моки ўйнар дамба-дам.  
Ипакдандир  
тандаси ҳам арқоғи,  
Кўрган дейди:  
— Қойил, қўли гул одам!

Теран ақл  
кўргизар сеҳр-афсун,  
Жўн ипакдан  
чаман тўқийди бутун.

Бу чаманда  
шаббодалар рақс этар,  
Нурлар қураар,  
ажиб, ошифта ўйин.

Фарғонанинг гули,  
япроғи,

боғи —

Шу — Аббоснинг дил-дилида ардоғи.

Агар барин

кўчиролса матога,

Бир умрга бўлмас

кўнгилда доғи.

Хонатласин

мақтар эдилар

барча,

Барчадан ҳам,

не-не ойюз,

ойпарча.

Аббос номи машҳури офоқ бўлди,

Кетди машриқ,

Русь, Фаранг — ғарбларгача.

...Қай бир кунким

Аббос уйин ногаҳон

Ташриф этиб,

ғурбатзада этди хон.

Матоларни кўрарди у оҳиста,

Хурсанойга кўзи тушди бир замон!

Улжасини кўрган калхат мисоли,

Шу лаҳзада бузилди хон хаёли.

Ёддан чиқди — нечун бу ён келди у,

Эс-ҳушини олганди қиз жамоли.

Қалдирғочнинг қанотидай

қошлари,

Тик қараса

ёндирар қарашлари.

Оқ томоғи

оқ пахтани эслатар,

Жон офати,

ажиб сөз ўрашлари!



Кўрган бўлсин

на чўпчак,

на ривоят!

Барча эл-халқ ҳасад билан қарасин,

Ичи куйиб дўст-душман туз яласин.

Хонойимга ҳадыя этай токи мен,

Тўқиб бергил хонатласнинг сарасин!

Бундоқ атлас тўқимоқ — оғир савдо,

Ундоғини кўрмаган ахир дунё.

Офатижон атлас бўлсин,

бегидир,

Не тиласанг —

тилагинг бўлгай бажо!

Қарға қанот Наманганнинг

матоси —

Бўлсин унинг

олис акс-садоси.

Андижонлик,

ўшлик ҳавас қилсин бас.

Бўлсин, майли,

самарқандлик — шайдоси!»

Не демоқни

билмай қолди-ку Аббос,

Тилга келди

аччиқ сўзлар беҳиёс.

Кўз олдидан

кетмайди хон кулгуси,

Сўнгра деди шартта,

қўрқмай, рўйроост:

«...Теппа-тенгдир

менга хону

фуқаро,



Бир хил атлас,  
тўқийман мен аввало.

Мана, бори.  
Танлаб ола берингиз,

Еққандини  
олаберинг бесавдо!»  
«Еққандини олайнми?!  
Едда тут,

Мен — хонман-а,  
сўзидан қайтмас бургут!

Еққандини оламан, ҳа!  
Кўриб қўй!

Энди дарду аламингни ичга ют!

Икки кунда  
тўқиб бермасанг атлас,

Пайҳон бўлгунг  
пойимда бамисли хас!

Унга қадар қизинг олуб кетгумдир,  
Янги атлас

қутқаргувси уни, бас!»

Хон сўзи бу. Унга худо бас келсин,  
Бунинг барин Аббос қаёқдан билсин?  
Қимга десин, қаён урсин бошини,  
Шўрлик уста энди, не чора қилсин?  
«Оллоҳ, ўзинг бу балодан эт халос,  
Не ёзиғим учун

оларсан қасос?

О, кўнглимга  
бир ўт солки,  
пуршиддат,

Нажиб атлас  
тўқисин энди Аббос!»

Не юмушга  
қўл сунса у, ажабо,

Юришмайди,  
шўрлик лолу бесафо.  
Унинг машъум қисматига чидолмай  
Қорайгандай  
кўринар қуёш ҳатто.  
Худо ҳам юз ўгирдими Аббосдан,  
Дунё  
кўзга қоронғи бўлди ростдан.  
Бир лаҳза ҳам  
тургиси йўқ жаҳонда,  
Бироқ яшар Хурсаной деб асосан.  
Қайда энди,  
Хурсанойи қайдадир?  
Уста Аббос  
қўли етмас жойдадир.  
Бу дунёда  
якка-ёлғизи эди...  
Бенаф оҳдан,  
йиғидан не фойдадир?..  
Битта лайлак келиб қўнар бу они:  
— Не қилдинг-а қайнатиб хоннинг қонин?  
Сув ва кўкдан изла янги нақшлар,  
Ерда эса қолмади ҳеч имкони...  
Нима қилсин?  
Шундан ўзга чора йўқ,  
Азобига ҳисоб йўқ,  
шумора йўқ.  
Илҳоми ҳам сустлик қилар бу чоқда...  
Ундоқ бахти қора йўқ,  
бечора йўқ...  
Муштипар қиз!..  
Қизнинг ҳоли не кечар?  
Мана шу ўй Аббос дилини эзар.  
Икки кунда шартни адо этмаса...  
Йўқ, йўқ!  
Бунга ақл қилмайди бовар!

Майсаларни кезиб чиқди боғларда,  
Ранг излади

анору пўстлоғлардан.

Меваларнинг мағизин ҳам қўймади...

Кўнгли тўлмай,

қолди ҳасрат-доғларда.

Пешонаси торга,

тордир бу ҳаёт,

Аббосга ҳеч кўргизмайди илтифот.

Уста ўзи ёқтирмас тўқиганин,

Ожизлигин сезарди ўзи, ҳайҳот!

Марғилоннинг боғларини кезди ул,

Учради-ку не-не гиёҳ,

не-не гул.

Замин узра

кўнганда сўлим оқшом,

Тошлоқ кўли тарафларга солди йўл.

Маъюс эди, дилин қамрамиш қайғу,

Бироқ кўлда хурсанд жимирларди сув.

Сурат чизиб гўё мавжлар ичра шўх

Юзиб борар

ана хонбалиқ сулуви!

Сувнинг кулранг юзасида, ажабо,

Нафис,

кумуш шуълалар айлар жило —

Нақ ойнада ёзилмишди шикаст хат...

Аббос боқиб,

бўлиб қолди маҳлиё.

Майда тўлқин дириллаб жимирлайди.

Булутларга ненидир шивирлайди.

Сувда булут сояси ўйнар... Аббос

Ажабтовур нақшларни илғайди.

Мутаносиб нақшлар хаёлни олар,

Ҳақиқатга айлангандек рўелар.

Тўлқинларнинг ўйнар экан қиличи  
Худди гилам йўлларидай нақш солар.

Қуш қаноти,  
булутларнинг нақши бор,  
Тўғри,  
эгри  
учбурчагу гажакдор...  
Қушлар учар ол булутлар остида,  
Шафақ нури оғушида бахтиёр.

Сув юзида  
қирмиз булут сояси.  
Ул сояда  
учқур қушлар шодаси...  
Шундоқ қилиб топганди уста Аббос  
Ажиб фикр,  
санъатнинг ифодасин!

Қушлар учиб кетди олис ёқларга  
Булутлар ҳам  
чекинди йироқларга.  
Улар нақши — абрбанд деб аталди,  
Ноил бўлди меҳрга,  
ардоқларга.  
«Топдим! Топдим!—  
шундай деб баландпарвоз.  
Абр нақшин эъзоз айлайди, эъзоз.  
«Эврика!» деб югурган Архимеддай,  
Соҳил бўйлаб  
уйга ошиқди Аббос!  
Кунни тунга, тунни кунга улар у,  
Илҳомдан  
шахт-шиддатларга тўлар у.

Икки кеча, икки кундуз деганда  
Хон олдига хонатласни қўяр у!

Кекса уста кечирган умр, ҳалол —  
Шу лаҳзада жо бўлганди фаригбол.  
Атлас балқир,  
ёнар,  
кўзни ўйнатар,  
Авлодларга даҳо битган шеър мисол!

### 3. Хотима ўрнида

Осмон билан,  
булуту  
қуёш билан,  
Илҳом билан,  
шиддату  
бардош билан,  
Хон қўлидан қизин айириб олди,  
Қалбида ўт,  
кўзларида ёш билан...  
Абрбандчи — ажиб рассом экандир,  
Рангу  
нақшга тирик руҳ жо этгандир.  
Микеланжело янглиғ моҳиру чапдаст,  
Матоларга  
ажиб жон киритгандир!  
Ҳар бўғин  
ўз орзусин  
улуғлайди,  
Хонатласни кўз-кўзлаб  
қутлуғлайди.  
Хонатлас — мозий ёқдан келаётир,  
Эл уни мангуликка йўриқлайди.

Бугунда ипак шаҳри  
Марғилондир,  
Довруғи дostonдир,  
бир жаҳондир.  
Марғилон оқшомлари сўлим эрур,  
Бунда Аббос авлоди беармондир.

Таъзимим қабул этгил, ўзбек оға,  
Бу дostonим бўлсин сенга садаға.  
Хонатлас — мато эмас, бир қўшиқдир,  
Куйладим мен қозоқча шўх навода!

1980

Тошкент — Москва

## БУРГУТЛАР

### I

Ҷенғирдарё нарёгида чўллар кенг,  
Ҳатто бекинолмас бу ерда кийик.  
Аммо, Керегетас<sup>1</sup>, сенга келмас тенг,  
Бу чексизлик қучоғида буюклик.

Харсанглар остида кўз очган булоқ  
Пастга чопар узум каби буралиб.  
Шалола ўйнайди, куйлаб, ярқироқ  
Осмонда порлаган кундан нур олиб.

Тол шохида саъва ўқир мадҳия,  
Кўк қаърида бир жуфт тўрғай муаллақ —  
Чулдирашар, гўё бўса бер, дея:  
Биз қачонлар ўпишгандай хушчақчақ.

Шу ердан бошланар ажиб бир воҳа,  
Боғларда анқийди гулларнинг бўйи.  
Қалбингдан отилар туйғулар эҳ-ҳа,  
Руҳингга қуюлар шоирлик ўйи.

Бу ҳолат жонингга беради ҳузур,  
Илҳом кучга тўлиб юрак жўшади.  
Яна ҳам чақнайди кўзлардаги нур,  
Эзгу истакларга истак қўшади.

---

<sup>1</sup> Тоғ номи.

Елда қамиш куйлар, тол ҳам эгилар  
Гўё бир ажойиб қўшиқ измида.  
Мағрур тоғ жозоба ижодин қилар  
Она табиатнинг илҳом базмида.

Тоғ мисли қутурган йўлбарсдай турар,  
Беллари букрайиб, ранг-рўйи таргил.  
Қушлар шоҳи — бургут мағрур ўлтирар  
Ҳў, чўққи устида, ана, қарагил.

Тоғ этаги ям-яшил майсадан гилам,  
Кўзга ҳавас берар зангори дала.  
Керегетас турар басавлат, шинам,  
Керегетас турар ўтовдай ана.

Қишлоқлардан олис, шаҳардан узоқ,  
Сўзсиз, лек, қудратли ўй суради тоғ.  
Кенгликлар бағрида ҳайкал мисоли  
Осмонга термулиб тинч туради тоғ.

Чўл ҳаво эмади явшан бўйидан,  
Оҳиста кўзгалар ўрнидан бургут.  
Нелар ўтди экан унинг ўйидан  
У учиб боради билмасдан ҳудуд.

Ўғилчам пилдираб юраркан дадил,  
Ортидан йўртаман севиниб чунон.  
Ёнбағирлик жойда тўхтаб қолди у,  
Қарасам кўринди мўъжаз ошиён.

Уяда ётарди битта полапон,  
Йўргакка ўралган чақалоқ каби.  
Сариқ гул мисоли у беғубор жон,  
Бирга туғилгандир учмоқ матлаби.

У сукут сақлайди, оғир қимирлаб,  
Ҳали мушкул эди туриб юрмоғи.



Кўзида чексизлик, кенглик жимирлар,  
Полапон бўлса ҳам бургут урвоғи.

Қандайин саодат, кўк ўпар тоғда  
Ўгилчам, насиб бўлди улуғ учрашув.  
Инсон боласини, бу танти тақдир  
Бургут боласига дуч келтирди-ку.

Ўгилчам интилар ошиён сари,  
Мени-чи, ваҳима босар шу фурсат.  
Уядан олмоқчи бўлади қушни,  
Кўзимга термулиб сўрайди рухсат.

Шу замон ўйимдан бир қиёс ўтар —  
Агар мен сафардан қайтиб келган дам.  
Ўйимда бўлмаса фарзанди — дилбар,  
Мени босар эди қанча кулфат-ғам.

Йўқ, ўғлим, бировлар тинчлигин бузма,  
Ҳамиша кўзингда шафқатинг турсин.  
Яхшилик қилмоқдан кўнглингни узма  
Саховат умрбод қалбингда юрсин.

Қандай таъриф этай, қандай сўзлайин  
Уруш қурбонларин мард тимсолини.  
Етим ўсганимдан бугун бўзлайин,  
Етим бўлган англар етим ҳолини.

Шундай умрим ўтган оғуға тўлиқ,  
Кечмишимни бунда ҳамма билади.  
Жигардан, фарзанддан ёмон айрилиқ  
Ота-она дилин, бағрин тилади.

Гўдакни қаттиқ сев, кўзларидан ўп,  
Гар уни ранжитсанг юзингдир қаро.  
Дунёда етимлик жуда-жуда кўп,  
Мен уни қушга ҳам кўрмайман раво.

Бешинчи синфда ўқийди ўғлим,  
Юрагим ташвишин айтаман унга:  
— Сўндирсанг ўзгалар юлдузин, тўқлим,  
Сўнмоқлик навбати келар ўзингга.

Сенинг юлдузинг ҳам шу чексиз кўкда,  
Мен уни танийман ана, у порлоқ.  
Ҳаётда ҳаққинг ҳам, қарзинг ҳам кўп-да,  
Тақдирни яратиб яшагин узоқ.

Бу бургут боласи сенинг чин дўстинг,  
У худди сен каби гўдакнинг ўзи.  
Ўғлим, она бургут ҳеч гам кўрмасин,  
Юксакларда қолсин боласин изи.

Майли, кароматли бу ёруғ олам  
Иккингишга бахтни бир бутун берсин.  
Бургутлар бир-бирин қилмайди тутқун,  
Сенинг ҳам манглайинг ярақлаб турсин.

Ҳар бирингиз учинг, ўз тўдангизда,  
Керак бўлиб ўсинг бир-бирингизга.  
Ҳаётнинг мазмуни — дўстлик, иноқлик,  
Асрамоғи керак бургутни бургут.

Бургутлар яралган зўр парвоз учун,  
Бургутлар — мардлигу ботирлар демак.  
Бургутлар бир-бирин қилмайди тутқун,  
О, ўғлим улардай яшамоқ керак.

## II

Уша тонг эсимда, каллаи саҳар  
Бир чекка овулда қўноқ бўлдик биз.  
Дастурхон устида суҳбат жўш урар,  
Қувончга қувончлар қўшарди қимиз.

Суҳбат қизиб борди гавжум даврада,  
Фазокор шунқорлар номи ёдланди.  
Жезқазған ҳақида, Вьетнам ҳақида,  
Сўнг футбол ҳақида баҳс бошланди.

Сўзлаб берган эдим бургут уясин —  
Юксак чўққидаги мардлик қасрини.  
Айтиб бўлмасимдан билди ҳаммасин  
«Теракли» овулин азаматлари.

Бунда авжга чиқур зўр баҳс, айтишув,  
Даврага чорлади дўстликнинг сўзи.  
Ҳаммага ёқарди кулгу, тортишув:  
«Уяда бургутми, ё калхат ўзи?»

Қизгин бу даврада ширакайф чол —  
Бир ҳўрсиниб кейин гапни бошлади.  
Ҳамма мароқ билан тинглади хушҳол  
Қайси бургутчини мақтаб ташлади:

«Бир бургутчи бўлган анча аввал,  
Бургут билан қилар эди ов.  
Овдан қайтар эди тўлиб, ҳар маҳал —  
Ўлжаси ўрдагу тулки-ю, сайғоқ.

Ким ёшини яшаб, сурибди даврон  
Билади турмушнинг қадру қимматин.  
Агар қозоқ бўлсанг тутиб кел шу он,  
Бургутни асраб ол, шудир қудратинг.

Биз яхши биламиз чўл одатини.  
Бунда ҳар ким чўлни уйим деб билар.  
Уқиб ол табиат кароматини —  
«Занжирга маҳкумни занжирбанд қилар».

Оддий ҳақиқатни билиб қўй, бўтам,  
Тортишиб турмоққа йўқ сира ҳожат.

Юринглар, ул тоққа чиқамиз илдам,  
Ул мағрур бургутни тутамиз фақат.

Ёддан чиқармаймиз урфу удумни  
Яхши одатларни ким олмас эсга.  
Бугун амал қилиб ўша тутумни  
Юринг, қадрдонлар Керегетасга».

Чол гапни тугатиб, жавоб кутарди.  
Кайф қилиб қолганга ўхшаб турса ҳам.  
Жўшқин сўзи билан таъсир этганди  
Овулдошлар ҳиссин қўзғатиб шу дам.

Шу пайт нарироқдан бошқа оқсоқол  
Шўхчан назар ташлаб, гап бошлар аста.  
Кекса сифатида унинг ҳаққи бор  
Ножўя ишлардан огоҳ этишга.

Соқол, мўйлови оқ, кумушдай эди.  
Чирой бахш этарди кулча юзига.  
Кўриниши жуда ўхшаб кетарди,  
Қозоқ созандаси, Қурмонғозига.

Ешинг яшаган бўлса ҳамки у,  
Юзлари қип-қизил ёш йигит каби.  
Ҳалиги одамга солиб бир ғулу  
Бундай деб шошилмай луқма ташлади:

Қўйсанг-чи, оғайни эрмакларингни,  
Бу тахлит ёмонлик уруғин сепма.  
Жарангдор, аммо пуч шуҳрат учун сен  
Эгарсиз от миниб, ўзингдан кетма.

Гапинг одамларни оздирди йўлдан,  
Уларга ненидир маъқуллай билдинг.  
Лекин, биродар, ҳеч эслай олмайман  
Қачондир бўлганин сенинг бургутинг.

Сенда борми шафқат жонзодларга айт,  
Юрак борми сенда, қани, сўзлагин?  
Дўстгинам сафсата сўқмоғидан қайт,  
Шароб кайфи билан кўтарма шовқин.

Сен муносибмисан таълим бермоққа?  
Кулгига қоласан бўлиб шармисор.  
Қарингда уринма бургут бўлмоққа,  
Ёшлигингдан бургут бўлмасанг агар.

Рости шу, биласан, бургутни тутиб,  
Парвариш этаман йигитлик чоқдан.  
Уни деб қўяман ўзни унутиб,  
Бундай ҳис сенда йўқ, келар қаёқдан?

Сен фақат оғизда — гапга ботирсан,  
Саёқ юрар эдинг ўйнаб қайларда.  
Мен сор бургутимни ўлжага чоғлаб  
Бошидан тумоғин олган пайтларда.

Тўғри гапларимдан тўлма ғазабга,  
Содиқ одамларга қулоқ ос бир паст.  
Сен она шунқорни қўйма азобга,  
Сендай эркак шунқор унга керакмас.

Ҳеч битта полапон ҳаёт йўлида  
Изтироб чекмасин, ўксиб қолмасин.  
Бургут ҳам одамдай бир гап аслида,  
Бургут ҳам дунёда етим бўлмасин.

Бургут пастлаб учса сурув устида  
Чўпонлар шод бўлиб дилини очар.  
Чунки пода кезиб ўлжа қасдида  
Юрган қўнғир бўри овлоққа қочар.

Бургут-ла ов қилмоқ эҳ, жуда маза,  
Бу ҳунар спортнинг ажойиб хили.

Сен эплэй олмайсан, бўласан изза.  
Ҳа, мардлик чаққонлик ов қилиш тили.

Юз ёшим, оқ сочим ҳаққи биродар:  
Бургут полапонин тутмангиз мутлоқ.  
Бегуноҳ гўдакни этманг саросар,  
Бургутнинг боласи эмас ўйинчоқ.

У чўққига уя солса бу зўр иш:  
Ватан бағри бўлар экан бус-бутун.  
Юрт аро бир доҳий туғилар эмиш  
Замонлар юкини кўтармоқ учун.

У қутлуғ ишларнинг хабарчиси, нақ,  
У бизнинг мардона жарчи боламиз.  
Демак ғалабалар этар хушчақчақ  
Бу йил миллиард пуд донни оламиз!

Дала ва сурувнинг учқур йўлдоши,  
Келбати, қудрати, парвози гўзал.  
Ишончли тошдан ҳам қаттиқдир боши,  
Яйловга суради булутни ҳар гал.

Қургоқчилик бўлса ёмғир келтирар,  
Қонсин деб, овулнинг далаю боғи.  
Жезқазган ерига Иртиш бурилар  
Қозоқ чўлларининг босиб чанқоғин.

Осмонўпар тоғлар, водийлар, чўллар,  
Юксакдан тинглашар унинг овозин.  
Бургут йили демак — ҳаммани қўллар,  
Космонавтлар қилар улуғ парвозин.

Бойқўнғир — уясин тарк этиб тезда  
Осмон сари парвоз этар полапон.  
Бургутлар қувончда, қайғули кезда  
Бир-бирларингизни қўлланг ҳар қачон.

### III

Сиз борсиз далалар бежавф; бехатар,  
Сиз яшайсиз олам оройиши деб.  
Кўринг, ер курраси ҳамиша титрар,  
Сиз парвоз қилурсиз дунё ғамин еб.

Шунқор гўё постда само жангчиси,  
У борлиққа кафил, қанотли посбон.  
Коинот тоқида тинчлик жарчиси,  
Биз ерда яшаймиз хотиржам, омон.

Гўзал далаларда ҳар битта майса  
Бехатар кўкарсин, бўлмасин поймол.  
Сахий қалдирғочлар майли ин қурса  
Муҳташам айвонга, шифтга бемалол.

Шунча ардоқлидир мардликнинг қуши,  
Шарафи — боқийлик, йўқ унинг тенги.  
Беғамлик душмани, одам эс-ҳуши,  
Яшаш иштиёқи, қаримас севги.

Қушларни ардоқлаш инсоннинг иши,  
Уларга муносиб яшамоқ керак.  
Ҳавасни келтирар бургут турмуши,  
Бургутлар ҳаётда эмасдир эрмак.

Э, шоир, сен ҳақсан, тоғда, овлоқда  
Қора ҳалокатни жиловлаб қолдинг.  
Шунқор уясини кўрганинг чоқда  
Ўғлинг тақдиридан ўйларга толдинг.

Бахтсиз тасодифни маҳв этдинг ул дам,  
Маҳкум қилинмади чақалоқ шунқор.  
Ўзгага яхшилик билмаган одам,  
Она-Ватан учун хавфлидир минг бор.

Вужудида ғазаб ўти ёнганлар  
Майлига ўзлари куйиб кул бўлсин.  
Бургут шарофатин билмай тонганлар  
Кузда ҳисоблашар, буғдой мўл бўлсин.

Лафзинг совурмасин ўткинчи еллар,  
Тилни тий, сўзларинг олтиндан олтин.  
Билиб қўй, шоирга ишонар эллар,  
Бу ишонч имтиҳон қилади олдин.

Кишиларга ҳасад кулин сочмагин,  
Дўстинг учун майли аччиқ озор чек.  
Ёмонларга шафқат уйин очмагин,  
Яхшига ёрдам қил, қараб турма тек.

Биласанми, бургут қалби доимо  
Юксакда туради покиза, мағрур,  
У ёруғ дунёга, ерга маҳлиё,  
Шу ваядан яшайди ўктам ва масрур.

Доноликнинг тубсиз дарёси мисол  
Сокин оқиб ўтди оқсоқол сўзи.  
Ўзи ҳам шунқордай кучли ва ҳалол,  
Унда қариликнинг сира йўқ изи.

Бунда яшар ҳар бир мўйсафид, қаранг,  
Ёшларга мураббий меҳрибон устоз.  
Ер ҳайдаб экишар, куйлар сержаранг  
Жангда курашдилар — ғалабаси соз!

Барча дардлашувлар ёдимда мудом,  
Ортимда қолди ҳў, баъзи миннатлар.  
Нуроний оталар беради илҳом,  
Айниқса, ўримда бўлган суҳбатлар...

У йиллар қолдирди жанговар эртак  
Бизлар ёш эдигу турмас эдик жим.



Раис бўлмаса ҳам гарчи у пайтда,  
Чоллар бошқарганлар билмасдан тиним.

Иш қизгин аёллар бригадасида,  
Уларга бировнинг йўқдир ҳожати!  
Болалар чолларнинг кенг даласида,  
Ортарди кундан-кун иш маҳорати.

Бизни мақтамасди чоллар ўшанда.  
Фақат кўнглимизни кўтарар эди.  
Мукофот олгандай севинсак, шунда  
Бизларга тикилиб ўтирар эди.

Онам ҳам ортиқча аврамас, нуқул,  
Ишимга берарди камтарин баҳо.  
Шаънимга яхши сўз айтарди дадил  
Қўшнимиз қизига билдириб гоҳо.

Кўз очган овулим жонимдай азиз,  
Ўртаниб юракдан уни севганман.  
Муқаддас меҳрига мен чўкканман тиз.  
Шу парча еримни Ватан деганман.

Сиз бардам экансиз, бахтим беқиёс,  
Бағри кенг ўлканинг, эй шунқорлари.  
Сиз — дўстим, сиз — бобом, сизга зўр ихлос,  
Сиз улуг мамлакат дастёрлари.

#### IV

Вақт келди. Қайтаман шаҳарга яна,  
Хаёлим тоғларда, кўнгил узилмас.  
Ўнқир-чўнқир жарлик, сўқмоқлар ана,  
Мен бугун кетаман, хайр, Керегетас!

Чексиз саҳро яланг, кафтдек теп-текис,  
Майин куй таратар гўзал сукунат.

Ҳар хил ўт-ўланлар тарар хушбўй ис,  
Туманда йўқолар бўйдор тоғ фақат.

— Тўхтаг, — дея ўғлим қичқирди бирдан,  
Қўлларин кўтариб бир не кўрсатиб.  
Булут соясида қандайдир «сир»дан  
Огоҳ бўлишимга мени жалб этиб.

Сахро тепасида булутлар сузар,  
Энг баланд қоялар кўринади сал.  
Яна ўғлим кўкка қўлини чўзар,  
Ё уни алдарми сароб шу маҳал.

Булутлар жўнайди тоғлардан нари,  
Кўринди сахро-ю, дарё пурвиқор.  
Икки бургут учар хаёл сингари,  
Бири тугма каби, бири кафтдек бор.

Ғаройиб бу ҳолат гўё ўйиндай  
Кўздан нари кетмас, турар ёдимда.  
Ана, она бургут келиб қуюндай  
Боласин опичлаб кетди бир зумда.

Бургутча учади оғир, қийналиб  
Қолдан толганида қолади пастлаб.  
Шунда она бургут боласин илиб,  
Яна юксакларга келади ташлаб.

Оддий ҳақиқатни шундайин бошлар,  
Бургутлар зотининг содда қонуни:  
Она ўз боласин баланддан ташлар  
Ва ерга теккизмай ушлайди уни.

Бу хавfli машқлар қизийди жуда,  
Шафқатсиз ўйиннинг ниҳояси йўқ.  
Учиш ўрганишлар кетмас беҳуда,  
Бургутча учмоқда эркин, кўнгил тўқ.

Бургутча кўк аро зўр шиддат билан  
Қанотларин қоқиб зафар қучмоқда.  
Уни эҳтиётлаб меҳр-шафқат билан  
Онаси ундан сал пастда учмоқда.

Энди тубсиз, бўшлиқ, ёввойи тоғлар  
Она бургутни ҳеч қўрқитмас зинҳор.  
Она боласидан секин узоқлар...  
Улар тенг учади, бўлиб тенг шунҳор.

Бургут қуёшга эш қоядан туриб,  
Жангга отлангандай ўзин ташлади.  
Онасин шаштию шиддатин кўриб,  
Еш бургут мардона уча бошлади.

Юксакни эгаллаб ҳориди, энди,  
Бургутни олқишлар кенглик, само, ер.  
Қанотларга қуёш нурлари сингди,  
Патларидан томди олтинсимон тер.

Бизлар кўриб турдик, тавба, шу замон  
Бургутнинг терлари тушмади пастга.  
Ҳа, ўша томчилар маржон ва маржон,  
Оппоқ булутларга қўшилди аста.

Қуёшга чўзилган чўққидан ногоҳ  
Қушчани заминга ташлаб бир бора,  
Яна уни ўзи шу заҳотиёқ  
Тутиб олмоқ учун бўлмади овора —

Иккиси бир хилда этаркан парвоз,  
Енгмоқлик туйғусин дилларга туйди.  
Бўрон турди, шунда она Қуш — шоввоз  
Боласин ҳаётга кузатиб қўйди.

**Барҳам** топди ёшликдаги уйқулар,  
Болалик сеҳрига берилмоқ тамом.

Қалбини тарк етди мурғак туйғулар  
Шиддатли парвозлар қолди, вассалом.

Бургут учиб борар янги ҳаётга,  
Уни кутар қанча олис манзиллар.  
Ҳайҳот, яна тушди хотира ёдга —  
Отам жангга кетиб, кўрган мушкуллар.

Бургут қанотларин ёзганда оқшом,  
Соя-салқин бўлар чўллар қучоғи.  
Тоғда она бургут топади ором,  
Азамат боласин эркалар чоғи.

Беаёв тақдирдан нолимоқ хато  
У ҳукм қилганда ғамга ботар дил.  
Она бургут учар ғарбга маҳлиё,  
Бола кун чиқишга жўнар астойдил.

Бу ҳолни кўрганлар саросимада —  
Нима деб фикр қилар, ўйларми чатоқ.  
Она бургут ҳаёт силсиласида —  
Кетди, энди қайтмас ортига мутлоқ.

У сира қайтмайди, кетди кўп йироқ,  
Улар одатида шундай тартиб бор.  
Жасоратга чорлар эди иштиёқ,  
Бойқўнғирга келди ёш, жасур шунқор.

Бургут фазилати ҳақиқатдай рост,  
Унда мужассамдир мардлик, жасорат.  
Абай сўзларида бордир эҳтирос —  
«Беҳуда ёшлиқдир — ғам, бало, офат».

Ёш бургут учмоқда юлдузлар аро,  
Қалбимни қийнайди рашк билан ҳавас.  
Унга садоқатим, ихлосим — дунё,  
Унга ишонч билан оламап нафас.

Унга осон эмас, жуда ҳам қийин,  
Самода дўл жанги, довул даҳшати.  
Бургут фарогати — парвоздан кейин,  
Бургут ғалабаси — енгиш санъати!

Матонат кўрсатиб чўққилар сари,  
Янги парвозларга мудом отланур.  
Шон-шуҳрат эрмаги эмасдир бари,  
Марсни забт этишга у қанотланур.

У яхшилик кўрсин, яшасин эркин,  
Яна ортиқ севсин Бойқўнғирини,  
Қалбимда ўзингга умид бор, лекин  
Ўғлим, англадингми, бургут умрини!

Нигоҳинг излайди кўкдан бургутни,  
Ичингга сиғмасдан қайнаяпти куч!  
Ҳаёт бургут қилар асил йигитни:  
Сен энди йўлинг топ, қанот чиқар, уч!

## ДЎМБИРА

«Дўмбирага қўл урма  
Тингирлатиб беҳуда»  
Абай

### Муқаддима

Қўшиқдаги қудрат ва сеҳр  
Юракнинг шукуҳи эмасми?!  
Чақиради доим мени бир  
Дўмбира ажиб кенгашга.

Асил куй жоннинг озиғи,  
Тўлғатар, аста тебратар.  
Қалбнинг оташ бўлиб ёнуви  
Дўмбиранинг ўзин маст этар.

Аёвли қушим, мунисим,  
Тинглайин дилкаш куйингни.  
Юрагимдан дардлар арисин,  
Чоғларимни қайтар — суюмли.

Сеҳрингга хумор эдим-ку,  
Янград куйингни сермавж, шан.  
Ўзингга унсиз ишонгум,  
Сен борки, мен ҳам ёлқинман.

Кулгиси бўлгин жилғанинг, —  
Жарангли куйлари тўкилсин.  
Қирлари туққан Орқанинг  
Анвойи гулларга кўмилсин.

Ҳуркак кийиклар тўпидай  
Парвоз қилсин, гўзал тин олсин.

Муҳаббатнинг мерган ўқидай  
Юракларга бориб қадалсин.

Ишқига иқроор қиз каби  
Ловилласин бу куй, ўт мисол.  
Тинглаган қалбларни яйратиб,  
Ўзига этсин мафтун, лол.

Дўмбирам, янгра баландроқ,  
Нисор эт юрак ҳимматин.  
Очайин кўпга мен бу чоқ  
Кўнгилнинг кўклам зийнагин.

Дўмбирам, куйла баравж-ла,  
Қалбларга завқ бер сеҳрлаб.  
Чўмайин мен бир фараҳга,  
Жўр бўлиб — ўлан шивирлаб.

Кўкчатов — Баян ўсган ер  
Олдимдан чиқсин кулимсиб.  
Тин олмай тинглаб саксон кўл  
Қўл чўзсин менга ўғлим деб.

Куйидай қайтган қушларнинг  
Мунглими менинг бу куйим,  
Юрагим туюб хуморлик  
Ўйланиб гоҳ-гоҳ... қолгум жим.

Тўкилса янгроқ куй билан  
Тил битиб, сўйлаб ҳисларинг.  
Кўз олдимга менинг ушбу дам  
Келади болалик кезларим.

Билдирар гоҳо шан товуш  
Армонли, мунгли тилакни.  
Оппоқ қанотин қоқди қуш  
Ўйғотиб ўйчан юракни.

Муҳаббат, умид, ҳаяжон  
Тўкилса уйғун, топишиб,  
Ожизлик, кураш ва исён  
Жонимда кезай олишиб.

Маломат, ҳасрат ва ўкинч  
Ўзини четга олмасин.  
Оққушим учсанг, баланд уч,  
Армонинг ичда қолмасин.

Дўмбирам, янгра безавол  
Икковмиз олис кетармиз.  
Бир куни ҳориб, эҳтимол  
Манзилимизга етармиз.

## Сир

«Дўмбиранинг куйлари  
Еш юракнинг сирин эди».

*С. Сайфуллин*

Сирга кўмилган юраклар  
Туғиларми қўшиққа эш?!  
Қўшиққа мойил юраклар  
Туғилармиди сирсиз ҳеч!

Лоқайд кўнгил ва ҳиссиз жон  
Кимга сирин айта олар.  
Ўз қалбига каж инсон  
Қандай қилиб қайта олар.

Мен-ку, бир сирчил одамман,  
Қалблар риштасин боғлайман.  
Оддий, самимий дардлашув билан  
Ўзгалар кўнглини чоғлайман.



Дўстларимга менинг тилагим  
Эзгу эрур бир умрга.  
Яйрайди шундан юрагим,  
Тўлади дунём тафт, нурга.

Қўзғаса қўш тор минг сирин  
Ҳар қандай жон ҳам эзилгай.  
Мунг тортиб юрак қил сими  
Хазин куйларга кўмилгай.

У эсга солиб кетади  
Олис болалик кезларим  
Ва дард туймоқ не эканин  
Мурғаклигимдан сезганим.

Эсимга тушар кечаги  
Онам «қора хат» олган кун.  
Юракка урушнинг' ҳасрати  
Ўчмас жароҳат солган кун.

Она-бола қолдик — икковмиз  
Ғам-ҳасрат аро тўқдик ёш.  
Эмасдик лекин биз ёлғиз.  
Эл бўлди бизга қайғудош.

Одамлар келди тўпланиб  
Кулбамиз қошига ўша кун.  
Ҳамдард бўлдилар тўлғаниб  
Кўзимиз ёшига ўша кун.

Уруш ҳам тугади, овулга  
Оталар қайтдилар бирма-бир.  
Отасин ёдга оларди  
Уларни кўрган ҳар сағир.

Урушда бўлган йигитлар  
Олдимдан жимгина ўтарди.

Кўргандир деб мен умид-ла  
Отам дарагин кутардим.

Ёшинг улғайиб борса ҳам,  
Ўзингни бола санайсан.  
Умидинг чил-чил синган дам  
Онанинг оғзига қарайсан.

Онагинам кўзин ёшини  
Ҳеч кўрсатгиси келмасди.  
Менинг ҳам жоним ачишиб,  
Ортиқча сўроқ бермасдим.

Қай одам ёруғ юзлидир,  
Қучоғин очиб суяди.  
Қай одам эзгу сўзлидир,  
Ўзини бахтли туяди.

Қай бирлар умри саросар  
Мунғайибгина кечгайдир.  
Қар қалай кўзлар,  
Кўк кўзлар  
Кузги булутдай кўчгайдир.

— Қош-кўзи худди отаси,  
Отаси қуйиб қўйгандай,—  
Дердилар менга баногоҳ,  
Худди юрагимни ўйгандай.

Шундан бери мен кулмадим,  
Аёвли сўзлар йиғлатди.  
Не тунлар киприк юммадим,  
Хаёллар мени тўлгатди.

Аъло ўқидим мактабда,  
Катталар гапини тингладим.

Даладан мошоқ терсак-да,  
Хокисорликни билмадим.

Мол суғоришу чўп териш,  
Арраю болта меники.  
Ошиқ ўйнашу тўп тегиш,  
Отали бола, сеники.

У чоғ нимани тушундим,  
Куюнчак дилимга муҳр бўлди.  
Отажонимни соғиндим,  
Юрак-бағримга дард тўлди.

Кўнгил дегани шулар-да,  
Сир бўлиб қалбга ўрнади.  
Онажоним эса умрида  
Бошқа билан турмуш қурмади.

Не-не оғир йил ўтса-да,  
Садоқат аҳдин сақлади.  
Не бир жафолар чекса-да,  
Вафо бурчини оқлади.

Кўп кутди — толди, чидади  
Гул умри хазон бўлса ҳам.  
Мангу фироқда юраги  
Ҳижрон заҳрига тўлса ҳам.

Муҳаббат туғин кўтариб,  
Ишқ шаънин юксак билди у.  
Аскарнинг ёри аталиб,  
Умрини адо қилди у.

Волидам — жону жаҳоним  
Кўрмади ҳаёт кўп, узун.  
Бир кун қулади осмоним,  
Зулмат чулғади ер юзин.

Отали етим етимми,—  
Мотами эзди онамнинг.  
Еб ўзимнинг ич-этимни,  
Мазгилсиз қолдим, дилда мунг.

Шу кундан босдим пардангни,  
Руҳимга таскин солгай деб.  
Куйладим кўнгил термамни,  
Юрагим тафтин олгай деб.

Куйладинг, сен ҳам ўртандинг,  
Мен билан ёндинг бир ўтда.  
Кўксимга босдим, қувондим,  
Дўст топдим деган умидда.

Шивирладинг сен қулоғимга  
Оппоқ ва тоза туйғулар.  
Бегумон кўнгил боғимда  
Очилди турфа ранг гуллар.

Ажиб куй билан сочилди  
Руҳимда илҳом сурури.  
Сенга тикдим мен бошимни,  
Тингунча юрак дупури.

Сир йўғирилган юракни  
Қўшиқ авайлаб турарми?!  
Қўшиқ мавжланган юракни  
Сир ҳимоялаб турарми?!

Дўмбирам, мунис дўстим-ов,  
Торингни секин чертаман.  
Пинҳон сйримни шу тахлит  
Ўзинггагина айтаман.

Ёшлик чоғимда топишган —  
Сен хосиятли дўстимсан.

Кўнглинг кўнглимга мос тушган —  
Сен васиятли дўстимсан.

Уйимнинг тўридан олдинг жой,  
Мадҳингга сенинг таъриф кам.  
Ҳаётдан кўзин юмар чоғ  
Онажоним берган дўмбирам!

Ушласам сени қўлимга,  
Армонларим дилда мавж урар.  
Эзгулик тилаб йўлимга,  
Гўёки онам термулар.

Мулойим қўли оҳиста  
Силагандай бўлар бетимни.  
Тушларимда у, соғинсам,  
Манглайим ўпади, шекилли.

Манглайдангина ўпмоқнинг  
Сирини бизлар туйсин деб.  
Ўзи айтиб ўзи куларди:  
— Бетингдан келин суйсин, деб.

— Толели бўлгин, қулуним!—  
Дегувчи эди хўрсиниб.  
Ўша гапларнинг фараҳи  
Юрагимга қолган хўб сингиб.

О, ажиб, гўзал туйғулар,  
Дўмбира ётиқ сўзлайди.  
Онам кўзимга кўринар,  
Ўзгани кўзим кўрмайди.

Сиймосидан қилим яйрайди,  
Юрагим тугуни ечилар.  
Куй унга жўр бўлиб сайрайди,  
Армоним куйга эшилар.

Ўғил-қизим сириш тинглайди,  
Иккови икки ёқдан кеб.  
Дўмбирамни улар сийлайди,  
Бувимиздан азиз ёдгор деб.

Келиним ишин ташлайди,  
Хўрсинар эгиб бошини.  
Юраги илий бошлайди,  
Артади кипригин ёшини.

Дард шунақадир, болажон,  
Кўнгилга йиғилиб қолган сўнг  
Ҳар сафар ором топар жон,  
Куй хуморига қонган сўнг.

Куйла, дўмбирам, ҳар сасинг  
Устозлар ўғит-мақоли.  
Куйларинг тафти, нафасинг  
Ғамни эритар мисоли.

Сен ҳижрон қалбин ёндирган  
Аскарнинг ёрга хатидай.  
Кўраман сени, дўмбирам,  
Онамнинг муҳаббатидай.

Кўраман сени бешикаст  
Инсонлик номус-оримдай.  
Кўраман сени гард юқмас  
Эзгу бисотим боримдай.

У мен-чун қутлуғ хотира,  
Безавол кўлган тонгимдай,  
Аҳд-паймонли, бокира  
Бамисли суйган ёримдай.

Сен деганимда кўнглимнинг  
Намоён бўлар шуури.

Сен шукуҳисан умримнинг,  
Руҳимнинг сўнмас сурури.

Кўраман сени меҳрибон,  
Куюнчак, мушфиқ онамдай.  
Кўраман сахий, бепоён,  
Азалдан жўмард даламдай.

Кўнглимга тўла ғусса-зор,  
Сени қўлимга олгум бот.  
Сен борки, туққан элим бор,  
Сен борки, онам барҳаёт!

### Сурур

«Сени чертсам унутилар ғам,  
Суруримсан менинг, дўмбирам!»

*И. Жонсугуров*

Сендан таралган унларга  
Хумордирман мен, тошаман.  
Қутлуғ, муборак кунларга  
Ошиқадирман, шошаман.

Сирлашсам эрким ўзимда,  
Йиғлашга лекин тобим йўқ.  
Туйғулар порлар кўзимда,  
Сен билан қолсам, хобим йўқ.

Балки мен бўлак бир оқин,  
Тонгга ошифта тўрғайман,  
Юрагимда ёнар зўр ёлқин,  
Фақат юксакка ўрлайман.

Ожиз феълли эмасман,  
Уятчан, мўмин, тортинчоқ.

Қуёш-ла келар кенгашгим,  
Васлига очиб кенг қучоқ.

Уммон жунбушин боса олгум,  
Тинчитгум долға-туғёнин.  
Сира ҳайиқмай қарши олгум  
Ҳар қандай довул суронин.

Куйласам — ошиқ кўнгилман,  
Дўмбирам менинг ҳамрозим.  
Юрагим қўшиққа йўғрилган,  
Қўшигимдадир парвозим.

Москвам, азиз пойтахтим,  
Сенга меҳримни боғладим.  
Сенда кечди менинг хуш вақтим,  
Шўх талабалик чоғларим!

Мен ҳам сенинг ўз йигитинг,  
Сен менга улкан овулсан.  
Шундандир чақноқ умидим,  
Шундандир мағрур товушим.

Хазинасин очиб даламнинг,  
Конлар қошида турибман.  
Даштимда Қизил Майдоннинг  
Йўригин ўтаб юрибман.

Кончиликка мени чақирар,  
Ерим — бойликлар макони.  
Оқинлик бурчим оширар  
Юргимнинг тиниқ осмони.

Завқ бийрон этди тилимни  
Элимда топдим шон, қадр.  
Бир кончи-оқин шеърининг  
Авж илҳоми унгадир.



Тарал, дўмбирам, оққувдай  
Қуч уфқнинг бўйларин.  
Жарангла, тўлиб мен куйлай  
Қурмонғозининг куйларин.

Булбул мисоли сайраган  
Бибигул каби тўлиб-тош.  
Жаранги мафтун айлаган  
Қиз кулгусидай шуъла соч.

Орзум-ла чарх ур, баҳс этиб,  
Қуралай кўзли оҳудай.  
Маст эт юракни қизитиб,  
Юрак хумори қонгудай.

Куйларинг билан қалқитдинг  
Ғарбнинг кошона залларин.  
Маҳлиё этдинг, ром этдинг  
Не-не зотларнинг қалбларин.

Моцарт билан Бетховендан  
Ва Бородиндан куй тинглаб,  
Татимбетчаси жўшганинг дам  
Ҳар бир юракни этдинг забт.

Лол қолган олам айтади  
Сеҳрли торинг сирларин.  
Эшитар қулоқ пайқади  
Нуфузин дала-қирларим.

Чорласин куйинг оламини  
Даштимга, еллар ўйнаган.  
Кўрсат қозоқнинг оламин —  
Гўзалликлардан сўйлаган.

Шамоллар посбон ерларнинг  
Бўзлаган яра сирин айт.

Ўзимизнинг есир жонгейнинг  
Юрагидаги мунгин айт.

Гирди уфқларга бойланган  
Чексиз далалар ўзи бўл.  
Бахт-иқбол ҳақда ўйланган  
Мушфиқ оналар сўзи бўл.

Одамзот асло унутмас  
Урушдан сўйла, ярашма,  
Бўлгин минора, буюк тош  
Дўстлик мазорин қошинда.

Куйингга қўшиб барин сол,  
Етказ асрдан асрга.  
Мангу олов бўл безавол  
Номаълум солдат бошида.

Куйингга солгин бешикда  
Ётган гўдакнинг сасин ҳам,  
Етказгин менга кечикмай  
Ёш она алласин ҳам.

Юксалган оппоқ қайин бўл —  
Ошиқлар учун бўсаға.  
Илк учрашувга тайин бўл,  
Қароргоҳ бўлгин бўсаға.

Қўшиқ боғлай мен шу зумда,  
Куйларга солай сархиллаб.  
Қўймайин айтиб юрсинлар  
Кейин келажак насллар.

Жонларга оро бўлгин-да,  
Доим юракни ҳамроз қил.  
Ложувард осмон қўйнида.  
Эркин-эркин парвоз қил.

Учгин тобора юксалиб,  
Ва Чўлпон билан шивирлаш.  
Эшилиб ерга туш тагин,  
Менга мўъжаз сеҳринг оч.

Армонларга дуч бўлиб,  
Ўринли жавоб айтиб кел.  
Дўмбирам, сенга қўл уриб  
Яшнасин мудом шодмон эл.

## МУНДАРИЖА

Тошкент ҳаяжонлари. <i>М. Жалил</i> таржимаси . . . . .	7
Буюк қарвоннинг бир қисми. <i>М. Жалил</i> таржимаси . . . . .	9
Тошкент. <i>М. Жалил</i> таржимаси . . . . .	9
Жезкийик. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси. . . . .	10
Айналайн. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси. . . . .	12
Синглим Нозифага. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси. . . . .	13
Шахтага қасида. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	14
Жезқазған. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	16
Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	17
Дўстларни ўйлайман. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	18
Ульяновскда. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	19
Волгада қиш. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	20
Байрам қўшиғи. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	21
Янги йил. <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	22
«Қўй, янгатма». <i>Назармат</i> таржимаси. . . . .	23
Ленин ва Некрасов. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	24
Ульяновск остонасида. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	25
Ленинград. <i>М. Жалил</i> таржимаси. . . . .	25
Фазогирлар ва кончилар. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	27

251- уфқ. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	28
Будапештда. <i>М. Жалил</i> таржимаси. . . . .	29
Қишлоқ. <i>М. Жалил</i> таржимаси. . . . .	31
Боғбон манзумаси. <i>М. Жалил</i> таржимаси . . . .	34
Шоир қалби. <i>М. Жалил</i> таржимаси. . . . .	36
Нотаниш аёл ҳайкали. <i>М. Жалил</i> таржимаси. .	37
Парадокс. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	37
«Қўзгалмайман...» <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . .	38
Пойга шарти. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	38
От дўпури. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	39
Шеър келган чоқда. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . .	40
Авезовга ташаккурим. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. .	40
«Оққуш учиб кетди...» <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. .	41
Юртдош билан суҳбат. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . .	42
Қалб нури. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	43
«Ғалабага юрсам муқаррар». <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	44
Ўғлимга. <i>Г. Жўраева</i> таржимаси. . . . .	44
«Ҳайкалга қарайман...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси .	45
«Баҳор фаслин...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . .	45
«Дард ёқмасин дилингни...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси	46
«Не учун тўлмасин...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . .	46
Ўртанма. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	47
Олакўл. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	47
«Буни қай сўз...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . .	48
Саккизлик. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	48
Абайга. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	49
«Шабнамларни сачратиб...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси	49
«Менга қолса...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . .	49
«Қуёшга талпинар...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . .	50
«Апрель эшик қоқмоқда». <i>Ё. Обидов</i> таржимаси	50
«Чойшаб мисол...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . .	50
Пушкинга. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	51
Чўпоннинг жавоби. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . .	51
Оқ қайин. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	53
«Менинг рашким...» <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . .	54

Шамол тегирмон. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	54
Настарин. <i>Ё. Обидов</i> таржимаси . . . . .	56
Кўприклар. <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	56
Дилим титраб кетар. <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	57
«Баҳор экинлари...» <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	58
«Ўз баҳорим...» <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	58
Оқ турналар. <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	58

### Достонлар

Хонатлас. <i>Муҳаммад Али</i> таржимаси . . . . .	60
Бургутлар. <i>Т. Низом</i> таржимаси . . . . .	79
Дўмбира. <i>М. Мирзаев</i> таржимаси . . . . .	94

На узбекском языке  
«Библиотека дружбы»  
Поэзия народов СССР

Какимбек Саликов

МЕДНАЯ ЛАНЬ

Стихи, поэмы

Перевод с издания  
издательства «Жазушы»,  
Алма-Ата, 1978

Редактор *М. Жалилов*  
Рассом *А. Бобров*  
Расмлар редактори *А. Мамажонов*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректорлар *Т. Урмонов, А. Азимов*

ИБ № 2896

Босмахонага берилди 06.12.83. Босишга рухсат этилди 26.04.84.  
Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 3. Мактаб гарнитураси.  
Юқори босма. Шартли босма л. 4,09+0,21 вкл. Шартли кр. оттиск 5,11. Нашр л. 4,44+0,33 вкл. Тиражи 5000. Заказ № 1626/972. Баҳоси 80 т.  
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича  
УзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида теришиб, 3-босмахонада босилди. Тошкент, Юнусобод массиви, Муродов кўчаси, 1.

**Салиқов, Какимбек.**

**Жезкийик: Шеърлар, дostonлар [Сўз-боши муаллифи П. Шермухамедов].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.— 112 б. (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари поэзияси).**

Таниқли қозоқ шоири Какимбек Салиқовнинг шеър ва дostonлари ўзбек тилида биринча марта эълон қилинмоқда. Уларда Қозоғистон диёрининг бепоён далалари, гўзал табиати, меҳнаткаш одамлари, дўстлик ва биродарлик, ёшлиқ ва муҳаббат куйланади. Тўпламга унинг Ўзбекистон ҳақидаги шеърлари ва «Хонатлас» дostonи ҳам киритилди.

**Саликов Какимбек. Медная лань, Стихи, ПОЭМЫ.**

**С (Қаз)**